VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

21 (393) ● 2016 йил 1 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари сессияларга 15 масала олиб чиқди

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик саноати маҳсулотларини бугун деярли барча ривожланган мамлакатларда учратиш мумкин

"Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси доирасида 16 тадбиркорга имтиёзли кредит олиш учун сертификат топширилди

Фракция ҳаёти

Давлат бюджетининг самарали ижроси

иқтисодий тараққиётни мустаҳкамлаб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширади

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида юртимиз иқтисодиёти ривожи, эришилган юксак натижалар, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг халқаро миқёсдаги эътирофи, аҳоли даромадларининг ўсиши аниқ рақам ва мисоллар орқали кўрсатиб ўтилди. Мамлакатимизнинг бундай натижаларга эришишида Давлат бюджетининг самарали ижроси, мақсадли сарфланиши муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар, салбий тенденциялар ва бозор конъюнктурасидаги беқарорликларга қарамасдан Ўзбекистонда Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан профицит билан ижро этилмоқда. Дунёдаги айрим ривожланган давлатларда ҳам ижтимоий соҳа харажатлари қисқартирилаётган бир пайтда юртимизда ушбу соҳага ажратилаётган маблағлар салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Маълумки, мамлакатимиз парламенти Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг йиллик, чораклик ижросини назорат қилиб боради. Ўзбекистон Республикасининг "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуни парламентнинг бу борадаги фаолиятини янги босқичга кўтарди.

> 2-бет.

Ўқув-семинар

Тезкор ва холис ахборот

партия имижини шакллантиришда муҳим ўрин тутади

Бугунги шиддатли ва тезкор замон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юкламоқда. Оммавий ахборот воситаларининг нафақат маълумот, хабар тарқатиши, балки одамларнинг ўй-фикрлари, воқеа-ҳодисаларга муносабати ва позицияси эркин ифода этиладиган минбарга айланишини давр тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам ана шу талаб асосидаги ўзгариш ва янгиланишларни кузатиш мумкин. Бу борада Президентимиз томонидан соҳани ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилингани, мавжуд қонунчиликнинг такомиллаштириб борилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар соҳа тараққиётига хизмат қилмоқда.

Омавий ахборот воситалари имкониятидан янада кенг фойдаланиш, улар билан яқин ҳамкорлик қилиш фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар учун ғоятда муҳим. ЎзМТДП имижини ошириш, партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ва ЎзМТДП лойиҳалари мазмунмоҳиятини кенг аҳоли қатламига етказиш кўп жиҳатдан партия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг самарали ҳамкорлигига боғлиқ. Партия Марказий кенгаши ўтказган "Партия имижини ошириш ва унинг ғоясини тарғиб этишда жамоатчилик билан алоқаларнинг замонавий усуллари" мавзусидаги ўқув-семинарда ана шу масалалар муҳокама қилинди.

> 3-бет.

Ушбу сонда:

Миллий халқ ўйинлари
навқирон авлодда мардлик, ҳамжиҳатлик ва бирдамлик кўникмасини шакллантиради

> 5-бет.

Бой берилаётган бойлик
ёхуд кашандалик ортидаги хавф

> 7-бет.

Ипак ва зираворлар фестивали

> 8-бет.

Миллий ғурур

Ҳунар — бахт калити

Истиқлол юртдошларимизнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, манфаатларини ҳимоялаш билан бир қаторда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, шу юрт тақдири, унинг равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган инсонлар бўлиб улғайиши учун кенг имкониятларни яратди. Бу жараёнда ота-боболаримиздан мерос халқимизнинг қадимий, бой миллий қадриятларини тиклаш, ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жумладан, ҳунармандчилик ҳам тобора ривожланиб бораётир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, уста-ҳунармандлар фаолияти изчил қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

> 5-бет.

Маънавият гулшани

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида "маънавий жасорат соҳибларидан бири" деб атаган атоқли адабиётшунос олим, муҳаррир ва таржимон Озод Шарафиддинов дунёдаги етти мўъжизага таъриф бериб "...етти мўъжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда. Бироқ, шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан камлик қилмайди. Бу мўъжиза — китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам биринчи мўъжиза эканлигини кўпгина буюк одамлар қайд қилган", деб ёзади.

Китоб — биринчи мўъжиза

Милодий 2000 йил тугаб, инсоният йигирма биринчи асрга қадам қўйганда ҳам дунё олимлари, сиёсат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар китоб чоп этишнинг ихтиро қилинишини ўтган икки минг йилликнинг инсоният тараққиётига бемисл ҳисса қўшган энг буюк воқеаси, деб бир овоздан тан олдилар. Ваҳоланки, 2000 йилликнинг энг буюк воқеасига – порох, радио, пенициллин, Интернет кашф этилиши, Эйнштейннинг инсон тафаккурини остин-устин қилиб юборган нисбийлик назарияси, коинотнинг забт этилиши ва бошқа кўплаб улуғвор воқеалар ва оламшумул ҳодисоту кашфиётлар даъвогарлик қилган эди.

> 3-бет.

Ташаббус натижа берди

Масъулият ва фаоллик

мақсад-вазифалар ижроси, электорат манфаатлари ҳимоясининг кафолати

Президентимиз раҳнамолигида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар қишлоқларимиз кўркига кўрк бағишлаш билан бирга аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириб, юртдошларимизнинг ҳаётга муносабатини, дунёқарашини ўзгартирмоқда. Буни Андижон вилоятида барпо этилаётган замонавий уйлар, янги даҳалар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Узоқ йиллар "чўл зонаси", "яшаш қийин туман" деб аталган Улуғнор бугун бутунлай бошқача қиёфада: кўчалар, маҳаллалар обод бўлди, янги корхоналар бунёд этилди, фермерлик — ўз ери ва мулкига эгалик кенг қулоч ёйди. Юртбошимизнинг 2009 йил 3 августдаги қарорига асосан 2010-2015 йилларда намунавий лойиҳалар асосида 131 янги уй-жой қурилиб, аҳолига топширилди.

Туманни ривожлантириш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўз ҳиссасини қўшишга интилаётир.

— Халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан саккиз нафар депутат сайланган. Бу, ўз навбатида, Улуғнорда "Миллий тикланиш" демократик партияси нуфузининг ошишига хизмат қилмоқда, — **дейди ЎзМТДП Улуғнор туман кенгаши раиси Жаннатхон Исмонова.** — Ўтган йилда партия гуруҳи аъзолари 20 дан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширди. Фуқаролар мурожаатлари асосида 35 масала ўз вақтида ҳал этилди. Партия гуруҳи ташаббуси билан маҳаллий Кенгаш сессияларида 9 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланиб, 7 таклиф-масала муҳокама қилинди. Жорий йилда ҳам депутатларимиз ўз фаолиятини изчил давом эттириб, ҳудуд равнақи билан боғлиқ масалаларни илгари сурмоқда.

> 4-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
21 (393) 2016 йил 1 июнь, чоршанба

Депутат нигоҳи

Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш

саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давоми эттириш — асосий вазифа

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилган туб ислоҳотлар самаралари, эришилган марралар, қўлга киритилган ютуқлар, аввало, "ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон учун", деган тамойилнинг ҳаётга муваффақият билан татбиқ этилгани натижасидир.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим, устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш учун янада кенг имкониятларни яратиш иқтисодиётдаги асосий вазифа ва стратегик йўналиш сифатида белгилаб берилди.

Мустақиллик йилларида макроиқтисодий барқарорлик ва фаол саноат сиёсати натижасида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 5 баробарга ошди. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ҳисобига саноатнинг ЯИМдаги улуши 14,2 фоиздан 24,1 фоизга ўсди, мамлакатнинг экспорт географияси кенгайди.

Иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда автомобилсозлик каби янги, замонавий технология билан жиҳозланган тармоқлар вужудга келди. Шунингдек, нефть-газ-кимё, электротехника, темир йўл, замонавий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати кенгайди. Президентимиз ҳукумат мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: "... Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур". Бунинг учун заминимиздаги бой минерал хомашё ва ўсимлик дунёси ресурсларини чуқур қайта ишлаш қўламини босқичма-босқич ошириш, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва турини кенгайтириш вазифаси белгиланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг жалб этилиши муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилиб, ўзлаштирилди. Жами инвестицияларнинг 3,3 миллиард доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар ҳисобланади. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилиб, 2015 йилда умумий қиймати 7,4 миллиард долларга тенг 158 йирик ишлаб чиқариш объекти қурилиши якунланди. Масалан, жанубий кореялик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда барпо этилган Сурғил кони негизидаги Устюрт газ-кимё мажмуаси дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, йирик корхоналардан бири бўлди. Умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган мазкур мажмуанинг ишга туширилиши йилига 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради. Бундан ташқари, "Женерал моторс — Ўзбекистон" акциядорлик жамияти Хоразм вилоятида умумий қиймати қарийб 6 миллион долларлик лойиҳа асосида "Шевроле Лабо" кичик юк машинасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, қулай инвестиция муҳитининг мавжудлиги, хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш учун барча зарур шароит ва преференциялар яратилганлиги 2015 йилнинг 5-6 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро инвестиция форумида ҳам алоҳида эътироф этилди. Бундан ташқари, мазкур форумда хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан ишончи тобора ортиб бораётганлиги яққол намоён бўлди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий юксалиши ва жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашида харидоргир, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий саноат самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, кимё, тўқимачилик, ипакчилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, рангли металларга ишлов бериш каби тармоқлар самарали йўналишлар саналади. Шу боис ҳам мазкур соҳалар ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялашга кўмаклашиш каби устувор вазифалар белгиланган

Айни пайтда мамлакатимизда бозор ўзгаришларига тез мослашадиган, иқтисодий хавф-хатарларга бардошли кичик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хорижий ва ички инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, янги бозорларни эгаллашга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, савдо-иқтисодий алоқалар ва халқаро майдонда миллий манфаатларимизни илгари суриш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни давлат қўллаб-қувватлаши, ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини жадаллаштириш, хорижда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, савдо ваколатхоналарини ташкил этиш масалалари ҳам доимий диққат-эътиборда. Бундан ташқари, мамлакатимизда агросаноат тармоғини, шу жумладан боғдорчилик, узумчилик, виночилик, сут саноатини, мева-сабзавот ва консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш, совутгич ва музлатгич мажмуаларини қуришни комплекс ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқилган.

Истиқлол йилларида ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши таъминланишининг асосий йўналиши ички ривожланиш манбаларига таяниш, ўз кучига ишониш, миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг реал секторига чет эл инвестицияларини жалб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш, мамлакатимиз ҳудудларида юқори технологик ва самарали маҳаллий бизнесни ривожлантириш учун имкониятлар янада кенгайтирилмоқда.

Президентимизнинг маърузасида 2030 йилда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш асосида нефть-газ-кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотларини 2,2 марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмларни 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитларни 3,2 баробарга кўпайтириш имконияти мавжудлиги айтилди. Бундан ташқари, пахта толаси ва мева-сабзавот маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш, ташқи ва ички бозорда харидоргир бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш мақсад қилинди. Бу каби юксак ва эзгу мақсадларга, албатта, мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омили бўлган миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ғояси билан яшовчи юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати орқали эришиш мумкин.

Юртимиз эришаётган натижалар, давлатимиз раҳбарининг маърузасида эътироф этилган кўрсаткичлар халқаро эксперт ва мутахассисларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Масалан, япониялик **Юичи Танака** ("Мицубиши Хитачи Системз" компанияси вакили) **"ўзбек модели"нинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилиниши туфайли юзага келган мустаҳкам макроиқтисодий барқарорлик хусусий секторнинг жадал ўсиши, иқтисодиётда ушбу сектор сармоясининг ошиши, янги иш ўринларининг яратилиши, экспорт салоҳиятининг кенгайиши учун барча имкониятларни яратган**лигини таъкидлаб, **Президент Ислом Каримов баён этган Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш ва модернизациялаш дастури унда ижобий таассурот уйғотган**ини эътироф этган.

Бугунги кунда ички ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳамда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остидаги товарларни жаҳон бозорларига чиқариш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётир. Яъни, юртимизда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли тўқимачилик саноати маҳсулотларини бугун деярли барча ривожланган мамлакатларда учратиш мумкин. Шу ўринда айтиш жоиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялашга кўмаклашиш каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу дастурий вазифалар ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар асосида партиямиз халқаро бозорда рақобатлашишга қодир йирик миллий компанияларни шакллантириш, ҳар бир ҳудуднинг афзалликлари ва мавжуд ресурсларидан келиб чиқиб саноат кластерларини ривожлантиришга кўмаклашишни кучайтириши зарур.

Президентимиз 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифасини белгилаб берди. Туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2015 йилдаги 33,5 фоиздан 40 фоизга етказиш режалаштирилди. Бундай кўрсаткичларга эришиш учун саноатимизни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларни қисқартириш, янги ва замонавий технологияларни жорий этиш, унинг самарадорлигини янада ошириш лозим. Бу, ўз навбатида, бошқарувнинг замонавий усуллари асосида саноатнинг барча тармоғини тубдан ислоҳ этиш, ишлаб чиқаришнинг барча босқичида юқори самарадорлик ва рентабелликни таъминлашни тақозо этади. Олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва амалий ишларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш эса биз депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Азамат ПАРДАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир ва адиб Эркин Воҳидов шу йил 30 май куни 79 ёшида вафот этди.

Эркин Воҳидов 1936 йил 28 декабрда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида ўқитувчи оиласида туғилди. 1960 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини тамомлади.

У ўзининг ижодий ва меҳнат фаолиятини ёшлар нашриётида кичик муҳаррир сифатида бошлади. Кейинчалик мамлакатимизнинг нуфузли нашриётларида муҳаррир, бош муҳаррир, шунингдек, "Ёшлик" журналининг бош муҳаррири, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори каби вазифаларда самарали меҳнат қилди.

Эркин Воҳидов ўзининг сермазмун, бадиий юксак шеър ва достонлари, драматик асарларида она юртимиз ва халқимизга, миллий қадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғусини катта маҳорат билан тараннум этди. Унинг бетакрор ижоди миллий руҳи ва халқчиллиги, ҳаётийлиги билан адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Атоқли шоир ярим асрдан зиёд ижодий фаолияти давомида "Тонг нафаси", "Қўшиғим сизга", "Ақл ва юрак", "Менинг юлдузим", "Ёшлик девони", "Тирик сайёралар", "Шарқий қирғоқ", "Келажакка мактуб" каби шеърий тўпламлари, "Нидо", "Қуёш маскани", "Руҳлар исёни", "Қўҳинур" каби достонлари, "Олтин девор", "Истанбул фожиаси" сингари саҳна асарлари, "Сўз латофати" бадиий рисоласи, жаҳон адабиётининг Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил, Гёте, Сергей Есенин каби мумтоз намояндалари меросидан қилган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратди. Унинг турли жанрдаги ўнлаб асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинди.

Мустақиллик йилларида шоирнинг ижодий ва ижтимоий фаолияти янада ёрқин намоён бўлди. Ватанимиз озодлигини, халқимизнинг эркин, обод ва фаровон ҳаётини тараннум этадиган, инсон қадр-қимматини улуғлайдиган бир қанча янги шеърий асарлари, она тилимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлашга бағишланган китоблари, бунёдкор замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, юртимиздаги улкан ислоҳот ва ўзгаришлар ҳақидаги публицистик мақолалари кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Эркин Воҳидов 1990-1995 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши қўмитаси раиси, 1995-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, 2005-2009 йилларда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси каби масъул лавозимларда самарали фаолият олиб борди.

У тажрибали ижодкор, жонкуяр ташкилотчи сифатида кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Эркин Воҳидовнинг ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий унвонлари, "Дўстлик" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли шоир, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Эркин Воҳидовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.ОРИПОВ, М.АҲМЕДОВ, И.МИРЗААЛИЕВ

Фракция ҳаёти

Давлат бюджетининг самарали ижроси

иқтисодий тараққиётни мустаҳкамлаб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширади

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Хусусан, қонуннинг 6,7-моддаларида Давлат бюджети лойиҳасини қабул қилиш ва ижросининг боришини кўриб чиқишда парламент палаталари, шу жумладан фракцияларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг йиғилишида ана шу ҳуқуқ ва ваколатлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ҳамда 2016 йил биринчи чоракдаги ижроси кўриб чиқилди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Таъкидланганидек, 2015 йил якунларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, капитал қурилиш 17,8, пуллик хизматлар ҳажми 10,8 фоиз ўсишига эришилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлари доирасида 5,6 фоизни ташкил этган. 2015 йилда Давлат бюджети харажатлари 2014 йилга нисбатан 15 фоизга ошган. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш фаровонлигини, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Яъни, Давлат бюджети харажатларининг 58,8 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилди.

Тақдим этилган ҳисобот партиянинг дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилинди. Фракция аъзолари қайд этганидек, ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги, ҳукумат бюджет харажатлари самарадорлигини таъминлашга, ижтимоий хизматларнинг сифатини оширишга, биринчи даражали тўловлар бўйича харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришга ҳамда бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга асосий эътибор қаратгани аҳамиятга молик. Айниқса, ижтимоий соҳага ажратилган бюджет харажатларининг асосий қисми ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига уйғун тарзда фан, таълим, маданият ва спортни ривожлантиришга ҳамда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани партия электорати манфаатлари ҳимоя қилинишига хизмат қилади. Ўтган йили биргина таълим тизимига 2014 йилга нисбатан 13,9 фоиз кўп бюджет маблағлари йўналтирилган. Бунинг натижасида жойларда янги мактаблар, мусиқа ва санъат, спорт мактаблари барпо этилди, мавжудлари капитал таъмирланди. Фракция аъзолари мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олиш ҳолати билан қизиқдилар. Қайд этилганидек, мазкур йўналишга йўналтирилаётган бюджет маблағлари ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2014 йилда МТМлар фаолиятини ривожлантиришга 160 миллиард, 2015 йилда 180, бу йил эса 195 миллиард сўм ажратилмоқда. Бунинг натижасида 2020 йилгача болаларни МТМларга қамраб олиш кўрсаткичлари икки баробарга ошириш режасини бажариш имкони пайдо бўлиши таъкидланди.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари ҳукумат тақдим этган ҳисоботларни қўллаб-қувватлаб, партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бюджет ижроси билан боғлиқ қатор масалаларга эътибор қаратдилар. Аввало, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот чиқариш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ахд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирларни тизимли давом эттириш зарурлиги эътироф этилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан сўз олган фракция аъзолари партия дастурий мақсад-вазифалари, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Яқинда депутатлар жойларда бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказади. Бунда ободонлаштириш, коммунал соҳа, ички йўллар, маданият муассасалари ва бошқа шу каби аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ масалалар бўйича ҳудудлар кесимида қўшимча маълумотларга эга бўлиш долзарб аҳамиятга эга. Тегишли мутасаддилар шу мақсадда фракция аъзоларига керакли маълумотларни тақдим этиши лозимлиги айтилди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Маънавият гулшани

Китоб – биринчи мўъжиза

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Китоб чоп этилиши 2000 йилликнинг энг буюк воқеаси, деб эътироф этилиши замирида қандай улуғ ҳақиқат ётганлигини тушунтириб ўтиришга сира ҳожат йўқ.

Бугун замонавий ахборот ва инновацион технологиялар ривожидан ҳамда Интернет имкониятларидан ақлимиз шошиб қолаётган бир пайтда, одамзот ҳаётида китобнинг ўрни ва аҳамияти йўқолди, дегучилар кўплаб топилади. Бу каби қараш ниҳоятда юзаки ва сохта эканлигини ҳаётнинг ўзи исбот этмоқда. Биргина мисол. Халқаро тадқиқотлар ва сўровлар ривожланган Ғарб мамлакатларида Интернетдан фойдаланувчилар сони қанчалик ошаётган бўлса, китоб сотиб олиш ва ўқиш ҳам худди шундай пропорционал равишда ўсаётганлигини кўрсатган. Ваҳоланки, бу тадқиқотлар ахборот технологиялари, Интернет ниҳоятда тараққий қилган ва унинг хизматлари тури кун сайин ошаётган Ғарб давлатларида ўтказилган. Ушбу тадқиқот натижалари китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмагани, унинг мўъжизавий куч-қудрати олдида Интернетдек энг қулай ва замонавий восита ҳам ожиз қолишини кўрсатаяпти.

Сўз китоб ҳақида кетар экан, халқимизнинг азал-азалдан китобга беқиёс меҳри, муҳаббати ва садоқати кўз олдимизда яққол гавдаланади. Буюк алломаларимиз, шоир ва мутафаккирларимиз, қолаверса, халқимизнинг оддий вакиллари ҳам туғилиб ўсган оила муҳитини ёки ёшлигини эслар ва тасвирлар экан – хонадонларида китобхонлик, қиссахонлик, шеърхонликлар бўлганлигини самимият билан ёдга олишади. Энг муҳими, биз нафақат китобхон миллат, шу билан бирга, буюк ва бетакрор китоблар ижодкори бўлган халқнинг фарзандларимиз. Бу ҳақда Юртбошимиз шундай деб ёзади: **"Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади".**

Ҳақиқатан ҳам китоб ва унинг ичига жо бўлган буюк кашфиётлар, теран фикрлар, инсоният тафаккури ривожига, тамаддун тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган ғоялар ижодкори — халқимизнинг беназир зотлари меросидан ҳар қанча фахрланса арзийди. **"Лекин,** — деб ёзади Юртбошимиз — **айни пайтда, биз бир ҳақиқатни ҳам яхши англаймизки, фақат ўтмишга, аждодлар меросига маҳлиё бўлиб юришнинг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди".** Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда илму маърифат, таълим-тарбия, умумлаштириб айтганда, халқнинг маънавий ва ижтимоий тафаккурини, ёшларнинг билим салоҳиятини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунда халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида китобга меҳр уйғотиш, китобхонлик кўникмаси ва савиясини шакллантириш, кутубхоналар китоб фондини тубдан янгилаш ва уларнинг иш услубини замонавийлаштириш, марказда ва ҳудудларда китоб савдосини тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, замонавий технологиялар асосида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари — XXI асрга дадил қадам қўйган ўзбек йигит-қизларининг энг севимли, шу билан бирга, билим даражасини ўстириш масканига айланди.

Китоб ҳақида сўз кетаркан, партия сайловолди Платформасида "Халқимизни, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг бой ахборот-кутубхоначилик фондини кўпайтириб бориш"дек муҳим вазифа илгари сурилган.

"Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясини амалга ошириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий дастурий мақсадларидан бири экан, бундан, энг аввало, камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, ёшларни ахборот-ресурс марказларига жалб этиш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар, нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш — етакчи вазифа сифатида белгиланган. Китоб ҳақида сўз кетаркан, партия сайловолди Платформасида "Халқимизни, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг бой ахборот-кутубхоначилик фондини кўпайтириб бориш"дек яна бир муҳим вазифа илгари сурилган.

Хўш, ЎзМТДП ўз зиммасига олган бундай вазифаларни қандай амалга оширмоқда? Барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатларимиз, кўп минг сонли фаоллар халқ маънавияти, маърифати ва келажагига дахлдор бундай эзгу ва залворли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқдами? Ушбу саволлар доирасида партиямиз фаолиятига назар ташлар эканмиз, мазкур соҳада ҳам муайян ишлар қилинганлиги, бир қатор лойиҳалар амалга оширилгани ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессия ва доимий комиссияларига масалалар киритилганини кўриш мумкин. Хусусан, Президентимиз асарларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш ва Ватанимизнинг энг янги тарихини мазкур асарлар орқали ўрганиш, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини англашга қаратилган **"Президент асарлари билимдони"** лойиҳаси партия томонидан анъанавий тарзда ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, бу йилги танловнинг Қорақалпоғистон, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичларида 1700 нафардан ортиқ ёшлар ўзларининг ижодий ишлари билан иштирок этди. Ёшларни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда китобхонлик кўникмасини шакллантириш ва, айниқса, таълим-тарбияда шахснинг мустақил фикрли бўлиб вояга етишига йўналтирилган **"Китобнинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти"** лойиҳасини жамоатчилик ва ёшлар мамнуният билан кутиб олди. Бундан ташқари, Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари — Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замаҳшарий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур ва бошқа улуғ алломаларнинг тарихий меросини ўрганиш, улар томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда тарихий меросга чуқур меҳр-ҳурмат уйғотиш мақсадида **"Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли"** лойиҳаси ҳам алоҳида эътиборга молик. Ушбу лойиҳа ёшлар, зиёлилар, фан ва маданият ходимлари, олимлар, бир сўз билан айтганда, ЎзМТДП электорати ўртасида катта қизиқиш уйғотиб, партия ташаббуси билан бир қатор янги илмий-оммабоп китоблар нашр этилишига сабаб бўлди.

Партия ушбу соҳада ўз фаолиятини жойларда ҳам янада кучайтиришга, бундай хайрли ишга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларини кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясига ЎзМТДП гуруҳи томонидан ташаббус сифатида киритилган "Вилоятда ахборот соҳасидаги ислоҳотларнинг бориши, бу борада вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси фаолиятини ривожлантириш, китоб дўконлари ташкил этиш, маҳаллий Кенгашлар даврий нашрларининг муассислари масъулиятини янада ошириш ҳақида"ги масала қарорида "Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари мавжуд китоб дўконлари ҳолатини танқидий ўрганган ҳолда улар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда китоб дўконлари ташкил этилмаган ҳудудларда китоб дўконлари ташкил этиш учун бино ёки ер ажратиш" алоҳида кўрсатиб ўтилган. Айнан ана шундай масала халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партиямиз гуруҳи томонидан ҳам сессия кун тартибига киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Қарорда, жумладан, шундай дейилади: "Китоб тарғиботини янада кучайтириш мақсадида мактаблар, лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёзувчи ва шоирлар билан мулоқотлар, янги нашр этилган китоблар тақдимотларини ўтказишни йўлга қўйиш, китоб тарғиботи орқали ёшларни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида "Китоб олами" маърифий мажмуаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ёшларни жалб этишни ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар белгилансин".

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган "Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор" шиори остидаги "Китоб байрами"да ҳам партиямиз фаол иштирок этди ҳамда "Йилнинг энг яхши китобхони" ва "Намунали китоб дўкони" танлови ғолибларига ЎзМТДП дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

ЎзМТДП барча соҳадаги фаолиятини танқидий таҳлил этар экан, мазкур йўналишда ҳам ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжудлиги, сайловолди Платформамизда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун айрим партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари етарли даражада саъй-ҳаракат кўрсатмаётганлиги Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси йиғилишларида атрофлича кўриб чиқилмоқда. Партия иш дастури ёшларда китоб мутоласи маданиятини ошириш, уларни миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара асарлари билан таништириб бориш, оилавий китоб ўқиш анъаналарини кучайтириш ва тарғиб қилишга қаратилган янги лойиҳалар билан бойитилиб, партия гуруҳларига тегишли тавсиялар берилмоқда. Айниқса, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, нашриётлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, замонавий илм-фан ва адабиётнинг турли соҳаларига оид китобларни ҳамда миллатимиз ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган достонлар, халқ қўшиқлари, эртаклар, термалар, афсона ва ривоятлар, нақллар, болалар ўйинлари, топишмоқлар, мақоллар жамланган юз томлик "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари"ни кенг омма ўртасида тарғиб қилиш белгиланди. Шу ўринда, давлатимиз раҳбари ўзбек халқи маънавий дунёсининг шакллашишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум этган ўлмас сўз санъаткори, деб таърифлаган ҳазрат Алишер Навоий асарларини халқимиз ва, айниқса, ёшларимиз маънавий дунёси ва тафаккурининг ажралмас қисмига айлантириш учун ҳам ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Китоб ҳамиша инсонни яхшиликка, эзгуликка, катта мақсадларга даъват қилувчи, ундовчи маънавий куч-қудрат манбаи бўлиб келган. Шу боис халқимиз уни ондек азиз ва муқаддас, деб билган, ардоқлаган. Дунёдаги ҳар қандай халқ, миллат сингари биз ҳам келажагимиз ҳақида қайғуриб яшамоқдамиз. Юртимиз келажаги эса — бугун китоб мутолаа қилаётган, илм-фанда юксак натижаларга эришаётган, Ватанимиз тақдирига ўзини дахлдор деб биласётган ёшлар қўлида.

Жалолиддин САФОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари

Ўқув-семинар

Тезкор ва холис ахборот

партия имижини шакллантиришда муҳим ўрин тутади

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва фракцияси аъзолари, партия Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кенгашлари етакчи мутахассислари, "Миллий тикланиш" газетаси ходимлари ҳамда тадқиқотчи олимлар иштирок этди.

— Аҳолини тезкор ва холис ахборот билан таъминлаш фуқаролик жамияти ривожида муҳим ўрин тутади, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — ЎзМТДП ғояларининг аҳоли орасига кенг кириб бориши, биринчи навбатда, партия ташкилотларида ишлаётган матбуот хизмати ходимларининг саъй-ҳаракати ва тажрибасига боғлиқ. Партия ташкил этаётган тадбирлар ҳақида маълумотлар тайёрлаш, ахборот узатишда янгича ёндашув, тадбирнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, унинг аҳамиятини тушунтириш матбуот хизмати ходимидан муайян билим ва савия талаб этади. Шу боис, улар малакасини мунтазам ошириб бориш, ўқув-семинарлар ташкил этиш муҳим вазифа саналади. Партиямизнинг сайловлардаги муваффақияти ва ижобий имижининг шаклланишида улар фаолияти ҳам муҳим ўрин тутади. Қолаверса, журналистлар малакасини ошириш, миллий ахборот маконини босқичма-босқич ривожлантириш, фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этган, замон билан ҳамқадам яшаб ижод қилаётган, ўзини она Ватан келажаги учун бағишлашга қодир, ҳаётимизда инсон ҳақ-ҳуқуқ ва эркинлиги, адолат ва ҳақиқат тантанаси тамойилларини мустаҳкамлашга тайёр бўлган истеъдодли журналистларни қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг ахборот соҳасидаги устувор вазифаси саналади. Бугунги семинар партиямизнинг ана шундай мақсад-вазифалари рўёбига қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Семинарда таъкидланганидек, ахборот алмашинуви кучайган бугунги даврда газета, радио, телевидение ва Интернет порталлари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш сиёсий партиялар учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик нафақат партия имижини оширади, балки сайловчилар эътиборини тортишнинг ҳам энг самарали йўли саналади. Бунда, айниқса, Интернет имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш лозим. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 13 миллиони Интернетдан мунтазам фойдаланаётгани инобатга олинса, бунинг аҳамияти нақадар муҳимлиги яққол намоён бўлади.

— Партиямиз аъзоларининг аксарияти ёшлардан иборат, — деди семинарда сўзга чиққан партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Бу, ўз навбатида, фаолиятимизни бугунги давр талаблари асосида олиб боришимизни тақозо этади. Ёшлар ишончини қозониш, уларни партиямиз ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда Интернет сайтлари ва ахборот порталлари билан доимий ҳамкорлик жуда муҳим. Чунки бу сайтлардан асосан ёшлар фойдаланади. Интернетда визуал кўринишдаги ахборотларни ҳам жойлаштириш имкони бор. Шундай экан, партия ҳудудий ташкилотлари ахборот хизмати ходимлари партия тадбирлари ва лойиҳалари ҳақидаги ахборотларни Интернет тармоғига жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бундан ташқари, Интернет орқали он-лайн мулоқот, тадбир, акция ва танловлар ўтказиш ҳам ахборот хизмати фаолияти самарадорлигини янада оширади.

— Ахборот хизмати ходимлари қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтиришда ҳам янгича ёндашиши лозим, — деди қуйи палатадаги партия фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев. — Жумладан, қонунларни халқчил ва тушунарли тилда таҳлил қилиш, унинг мазмун-моҳияти ва соҳа тараққиётидаги аҳамиятини очиб беришда ҳуқуқшунослар, мутахассислар, ЎзМТДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар билан доимий ҳамкорлик қилиш зарур. Хусусан, Интернет сайтлари ва партия нашрида қонунлар мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган туркум мақолалар, давра суҳбати ва мулоқотлар ташкил этиш матбуот хизмати ходимларининг биринчи галдаги вазифаси саналади. Бундай чиқишлар электоратнинг мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини янада теран тушунишида муҳим аҳамиятга эга. Мақолаларнинг соҳа мутахассислари томонидан оддий ва халқчил тилда ёзилиши партия ва сайловчини янада яқинлаштиради, аҳолининг партиямизга бўлган ишончини оширади.

Семинарда мамлакатимизда демократик ислоҳотлар чуқурлашиб, партияларо соғлом рақобат кучайиб бораётган бугунги даврда ёшлар эътиборини қозониш муҳим аҳамиятга эгалиги алоҳида таъкидланди. Шунинг учун улар руҳияти ва дунёқарашидан келиб чиқиб ахборот тайёрлашда аниқлик, тезкорлик ва холислик тамойилларига таяниш лозим. Мақолаларда бир ёқламалик, қуруқ даъват ёки панднасиҳат каби усуллардан воз кечиш ёшлар аудиториясини янада кенг қамраб олишнинг энг муҳим шартидир.

— Ахборот хизматининг асосий вазифаси ишонтириш, тарғиботнинг синалган ва замонавий усулларидан фойдаланиш, — деди Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ўқитувчиси Гулнора Нишонова. — Бунга, айниқса, сиёсий партияларнинг ахборот хизмати ходимлари жиддий эътибор қаратишлари лозим. Бу ўринда ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Пресс-релиз ёки мақолада факт ва рақамлар, фикрларнинг аниқ манбаини кўрсатиш зарур.

Семинарда партия имижини оширишда унинг матбуот нашри олдидаги устувор вазифалар, "Миллий тикланиш" газетасида партия ҳудудий ташкилотлари, партия гуруҳлари фаолиятини тезкор ва таъсирчан ёритиш, партия ахборот хизмати фаолиятининг мониторинги натижалари, ходимларнинг жавобгарлиги, масъулияти ва этикаси, партия ҳудудий ташкилотларининг маҳаллий матбуот нашрлари билан ҳамкорлиги, электорат билан ишлашнинг замонавий усуллари, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш юзасидан фикр-мулоҳаза, таклиф-тавсиялар билдирилди, партиянинг жамоатчилик билан алоқаларини янада кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Нигора ҚАМБАРОВА,
ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби:

— Сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни янада ошириш, партия ғоялари тарғиботида янгича усулларни излаш ва қўллаш фаолиятимизни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Маъруза-зачиларнинг матбуот хизматининг асосий вазифаси фақат аҳоли ўртасида партия ғояларини тарғиб этиш эмас, балки уларни ана шу ғояларга ишонтириши кераклиги ҳақида айтган фикр-мулоҳазалари, айниқса, бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Ана шу масъулиятни чуқур англаш ва ишни шу асосда ташкил этиш партиямиз имижини шакллантириш ва аҳолининг ЎзМТДПга бўлган ишончини янада оширишда муҳим омил саналади.

Мирзааҳмед ТОЖИМУРОДОВ,
ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби:

—Бугунги семинарда демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда журналист масъулияти ва унинг фаол фуқаролик позицияси, ахборот олишнинг ҳуқуқий меъёрлари ва ундан фойдаланиш амалиёти, жамоатчиликка тезкор ва холис ахборот етказишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, партия ғояларини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш, факт ва рақамларни тақдим этишда аниқлик ва тезкорлик, Интернетдан самарали фойдаланиш, теле-радио ва босма нашрлар билан ишлаш юзасидан фойдали таклиф-тавсиялар берилди. Шунингдек, партия гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кенгроқ ёритиш, матбуот хизмати воситасида электорат ва партия ўртасида доимий мулоқотларни ташкил этиш каби вазифалар белгилаб олинди. Бу ахборот хизмати ходимларида изланувчанлик, ишга ижодий ва талабчанлик руҳида ёндашувни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Ҳасан САЛОМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
21 (393) 2016 йил 1 июнь, чоршанба

Ташаббус натижа берди

Масъулият ва фаоллик

мақсад-вазифалар ижроси, электорат манфаатлари ҳимоясининг кафолати

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Хусусан, шу йилнинг март ойида партия гуруҳимиз ташаббуси билан халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг тумандаги ижроси" масаласи кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортди. Тумандаги қурилиш, бунёдкорлик ишлари, соҳага доир ютуқ ва камчиликлар қизғин муҳокама қилинди.

Сессияда туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникация, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Муҳаммаджон Азизовнинг ҳудудда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши борасидаги ахбороти тингланди. Таъкидланганидек, Андижон вилоятидаги кенжа туман ҳисобланган Улуғнор мустақиллик йиллари қўркам қиёфага эга бўлиб бормоқда. 2014-2015 йилларда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлимларда 4 миллиард сўмдан ортиқ қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. "Овулмат", "Обод" МФЙ ҳудудларидаги ичимлик суви қудуқлари реконструкция қилинди, янгидан қурилди. 1, 12- мактабгача таълим муассасалари қайта таъмирланди. Навоий номидаги, Мингбулоқ, "Оқолтин" ҚФЙларида молиялаштириш манбаи 354,3 миллион сўм бўлган қарийб 3 километрга яқин ички йўллар таъмирланди. Бунинг натижасида нафақат туман кўрки, балки аҳоли қулайликлари ҳам янада яхшиланди. Туман маркази ва барча қишлоқ ҳудудини шаҳарсозлик ва архитектура ҳужжатларига мувофиқ замонавий, чиройли ҳолатга келтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

2016 йилда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ тумандаги "Оқолтин" ҚФЙ, "Обод" МФЙ ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида 20 уй-жой қурилиши режалаштирилган, уларга ичимлик суви, табиий газ ҳамда электр энергияси етказиб бериш учун алоҳида коммуникация тармоқлари тортилиши белгиланган. Туман марказий сув иншоотини янги маъмурий бино билан таъминлаш, мавжуд сув қудуқларини капитал таъмирлаш ҳамда "Теракзор" МФЙ ҳудудида яна битта янги сув қудуғи қуриш ва ушбу ҳудудда бир неча километрлик янги ичимлик сув тармоғи тортиш режалаштирилган.

—Масалани сессияга тайёрлаш олдидан олиб борилган ўрганиш жараёнида соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги маълум бўлди, — **дейди халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Ҳусанбой Жўраев.** — Жумладан, 20 га яқин кичик дўкон, айрим цехлар қурилиши, жойлашуви шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига мос келмаслиги, туманнинг М.Иминов ва "Андижонбалиқ" мавзелари ҳудудида фуқаролар ҳеч қандай ҳужжатсиз чойхона ва савдо дўконлари қуриб, фойдаланиб келаётганлиги аниқланди. Туман марказида тадбиркорлар қураётган нотурар бино иншоотлари ҳам шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида ўрганиб чиқилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари, суғориладиган ерларни ноқонуний ажратиш, улардан мақсадсиз фойдаланиш ёки узоқ муддат фойдаланмаслик, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш каби ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Сессияда тақдим этилган ахборот, билдирилган фикрлар, таклиф ва тавсиялар асосида қарор қабул қилинди. Унда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, архитектура ва қурилиш бўлими, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари биргаликда иш олиб бориши, соҳада амалга оширилаётган ишларни халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари иштирокида муҳокама этиш, доимий назорат ўрнатиш белгиланди. Шунингдек, мутасадди идоралар сессия қарори ижросини таъминлаш бўйича ташкилотларнинг ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, ноқонуний ва ўзбошимчалик билан қурилиш ишлари олиб борган фуқароларни огоҳлантириш, корхона, ташкилот, муассаса, тадбиркор ҳамда фуқароларнинг ўзларига тегишли биноларни зудлик билан хатловдан ўтказиш каби вазифалар юклатилди.

2015 йилда халқ депутатлари Улуғнор туман Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан сессияларда 9 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланиб, 7 ташаббус-масала муҳокама қилинди

Арзихон ТЎРАЕВА,
халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси:

— Сессияда партия гуруҳимиз ташаббуси билан муҳокама этилган масала, энг аввало, ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг ва уйғунлиги билан аҳамиятлидир. Партия сайловолди Платформасида аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш, ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, қурилиш ва безак ишларида энг яхши хорижий тажриба ва миллий меъморлик анъаналарини қўллаш, олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ жойларни ривожлантириш учун бюджетдан маблағ ажратишни кўпайтиришга кўмаклашиш каби мақсад-вазифалар белгиланган. Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда илгари сурган ташаббусимиз Улуғнор тумани ривожи, ҳудуднинг янада кўркам ва замонавий қиёфа касб этишида муҳим ўрин тутади. Келгусидаги фаолиятимизда сессия қарори ижросини мунтазам назорат қилиб боришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Замира РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Семинар-тренинг

ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, ишчанлигини ошириш, қонунчиликда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва ваколатларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини кучайтириш партия мақсад-вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ўтказилган "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзуидаги семинар-тренинг ана шу масалага бағишланди.

Депутатлар фаолияти

самарадорлигини ошириш — долзарб вазифа

Семинарда Жўқорғи Кенгесдаги ЎзМТДП фракцияси раҳбари Баҳамдулла Нурабуллаев халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг амалга оширган ишлари ҳақида маълумот берди:

— Шу йилнинг 4 ойи давомида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз доимий комиссиялар мажлисларига 4 таклиф, сессияларга 15 масала олиб чиққан, улар бўйича қарорлар қабул қилинган, 3 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган. Депутатларимиз фуқароларнинг мурожаатлари, қонун ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ташкилот ва корхоналарга ўтган ва жорий йил давомида жами 308 депутатлик сўрови юборган. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинган. Аммо бу хотиржамликка асос бўла олмайди. Чунончи, депутатлар фаолиятида сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш, белгиланган режа асосида сайловчилар билан учрашувларнинг самарадорлигини ошириш, электорат манфаатларига оид муаммоларга мутассадди идораларнинг эътиборини қаратиш, уларнинг ечими бўйича қатъий назорат ўрнатиш олдимизда турган долзарб вазифалар сирасига киради.

— Бугунги давр олдимизга қўяётган мақсад-вазифалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларидан ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда партия ғоя ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ташаббусларни илгари суриш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни самарали ташкил этишни тақозо этмоқда, — **деди Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жолдасбай Абдижамилов.** — ЎзМТДП сайловолди Платформасида 7 йўналишда вазифалар белгиланган. Уларни амалга оширишда партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар олдида муҳим вазифалар турибди. Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожлантиришнинг муҳим масалалари ечимида депутатлар фаол иштирок этиши, мавжуд муаммолар, талаб ва таклифлар, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни чуқур ўрганиши, уларга таҳлилий ёндашиб, аниқ таклифлар ишлаб чиқиши айни муддаодир.

Семинар-тренингда ЎзМТДПнинг Қорақалпоғистондаги ташкилотлари ва партия гуруҳлари фаолияти тажрибаси чуқур таҳлил этилди. Партия дастурий мақсадлари, электорат манфаатлари ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастуридан келиб чиқиб, партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

* * *

Ана шундай мавзудаги семинар-тренинг **ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши** ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлинмаси ҳамкорлигида ҳам бўлиб ўтди. Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, партия дастурий вазифаларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлар фаолиятини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган семинарда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва сайловчилар ўртасидаги узвий боғлиқлик ва ҳамкорликни таъминлаш масалалари кенг муҳокама этилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодиржон Мухторов сўзга чиқиб, ҳудудлар ривожида партия гуруҳларининг иштирокини янада кенгайтириш, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ва сессияларига ташаббус-масалалар киритиш орқали партия дастурий мақсадларига эришиш, ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан депутатлик назоратини ўрнатиш гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини ташкил этиш ва янада кучайтириш бўйича таклиф-тавсияларини баён қилди. Партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий Кенгашлар сессияларига ташаббуслар, доимий комиссияларига таклиф киритишнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг муҳим жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтди.

Семинарда "Халқ депутатлари Кенгашларида маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишда партия гуруҳи позициясини баён қилиш", "Аҳолининг партия гуруҳлари фаолияти тўғрисидаги хабардорлигини ошириш мақсадида уларнинг жойлардаги ОАВ билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Халқ депутатлари Шеробод, Узун, Бойсун, Ангор туманлари ва Термиз шаҳар Кенгашлари депутатлари ўз фаолияти мисолида қатор таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, ўзаро тажриба алмашишга қаратилган семинар баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Семинарда партия депутатларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электорат манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим йўналишлар бўйича тавсиялар берилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ва қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ижроси бўйича депутатлик назоратини олиб бориш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Илья ДИЛЬМАНОВ,
Муҳтарама РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Сурхондарё вилоят партия кенгаши раиси Б. Худойқулов сўзга чиқиб, ЎзМТДП гуруҳларининг фаолиятини оширишда партия сайловолди Платформасидаги ваколатлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ечишда депутатлар фаол иштирок этиши, мавжуд муаммолар, талаб ва таклифлар, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни чуқур ўрганиши, уларга таҳлилий ёндашиб, аниқ таклифлар ишлаб чиқиши айни муддаодир.

Мансабдор шахс — ҳисобдор

Матбуот ва ахборот соҳасидаги дастурий вазифалар

ижроси бўйича мансабдор шахс ҳисоботи тингланди

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари фаолиятини тубдан кучайтириш, ваколат ва ҳуқуқларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, бугун сиёсий партиялар ҳамда улардан сайланган барча даражадаги депутатлар жамиятимиз ривожининг турли жабҳаларида фаол иштирок этиб, ўз ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида муайян ташаббусларни амалга оширмоқда, дастурий вазифаларни ҳаётга татбиқ этиб, партия электорати манфаатлари ҳимоясига эътибор қаратмоқда.

Мазкур жараёнда уларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатловчи қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир. Жумладан, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонуннинг депутат ҳуқуқлари белгиланган 5-моддаси ҳамда "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонуннинг "Партия гуруҳларининг ҳуқуқлари" деб номланган 14-1-моддасига кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва депутатлар тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти бўйича ҳисоботини ёки ахборотини маҳаллий Кенгаш сессияларида эшитиш юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ушбу ҳуқуқларидан самарали фойдаланган ҳолда жойларда турли мансабдор шахсларнинг ўз фаолияти бўйича ахборот ва ҳисоботларини эшитиш ташаббусларини илгари сурмоқда. Шу асосда партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлашга, дастурий мақсадларнинг ҳаётга татбиқ этилишига, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларнинг ҳал этилишига эришмоқдалар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи таклифи ва ташаббуси билан Кенгаш сессиясида Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғининг 2015 йилги фаолияти ва 2016 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишлари юзасидан ахбороти тингланди.

Маълумки, истиқлол йилларида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилган тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, матбуот ва ахборот соҳасини тартибга солувчи 10 дан зиёд қонун ҳамда 30 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳининг ташаббуси билан Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғининг ахбороти тингланди

Пойтахтимизда ҳам ахборот соҳасидаги ислоҳотлар жадал, тизимли ва изчил амалга оширилмоқда. Бу борада Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган газета ва журналларни рўйхатга олиш, амалдаги ҳужжатлар асосида уларнинг қонунчиликка амал қилиш борасидаги мониторингини ташкиллаштириш каби масалалар бошқарманинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бошқарма бошлиғи А.Акромов тақдим этган ахборотга кўра, мазкур йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун Тошкент шаҳрида 90 дан зиёд нашриёт ҳамда 900 га яқин матбаа корхонаси фаолият юритаётир. Босма нашрлар сони 400 га яқин бўлиб, уларнинг 86 таси шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси рўйхатидан ўтган. Шундан 4 таси давлат идора ва ташкилотлар тизимидаги нашрлар, 27 таси олий таълим муассасалари муассислигидаги, қолган 54 таси масъулияти чекланган жамият шаклидаги маърифий-реклама, тижоратга ихтисослашган газета ва журналлар, яъни хусусий нашрлардан иборат. Маълумки, 2015 йилнинг декабрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг раёсат мажлисида матбуот ва ахборот соҳасини янада ривожлантириш, ҳокимликлар муассислигидаги даврий нашрларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, ададини кўпайтириш, уларни ёш кадрлар билан таъминлаш, ҳудудий матбуот ва ахборот бошқармалари фаолиятини ривожлантириш ва молиявий ҳолатини яхшилаш, аҳолининг китобга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида жойларда замонавий китоб дўконларини ташкил этиш каби қатор вазифалар белгиланди. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қўшма қарори қабул қилинди, замонавий китоб дўконларини ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Маълумотларга кўра, айни пайтда республикамиз ҳудудида жами 250 дан ортиқ китоб дўкони фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 70 га яқини эса пойтахтимизда жойлашган. Ўтган йили шаҳримизнинг Мустақиллик шоҳ кўчасида 40 минг китобни ўзида жамлаган "Китоб олами" дўкони ишга туширилгани китобсеварлар учун муносиб туҳфа бўлди.

Эшитувда кун тартибидаги масала қизғин муҳокама қилиниб, соҳада учраётган айрим камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф-тавсиялар билдирилди. Босма ахборот воситалари, матбаа корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, бошқармада рўйхатдан ўтган ижтимоий-сиёсий газеталарнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш, ададини кўпайтириш, мазмун-мундарижасини бойитиш, уларга ёш кадрларни кўпроқ жалб қилиш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланди. Сессия қарори қабул қилиниб, тегишли мутасаддилар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилди.

Унга кўра, матбуот ва ахборот бошқармасига мурожаат қилиш учун давлат хизматларини интерактив кўринишга ўтказиш, матбуот ва ахборот соҳасидаги юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларининг маълумотлар базасини яратиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш учун ягона автоматлаштирилган тизим ишлаб чиқиш ва иш жараёнига татбиқ этиш белгиланди. Матбаа ва ноширлик соҳасидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг амалиётларини ташкил этиш ҳамда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, китоб тарғиботини янада кучайтириш мақсадида таълим муассасаларида ёзувчи ва шоирлар билан мулоқотлар, янги нашр этилган китоблар тақдимотини ўтказиб бориш лозимлиги таъкидланди. Қарорда шаҳардаги мавжуд китоб дўконлари ҳолатини танқидий ўрганиш, улар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда шаҳардаги барча туманларда китоб дўконлари ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифалар ўз аксини топди.

Турғун АЗЛАРОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Қахрамони:

— Партия гуруҳимиз ташаббуси билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғининг ахбороти эшитилгани мазкур соҳа ривожи, дуч келинаётган айрим камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Эшитув якуни бўйича қабул қилинган қарорда фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ таъминлаш, аҳолининг, энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-маданий даражасини юксалтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаа ишларини ривожлантиришга кўмаклашиш вазифалари белгиланди. Ушбу вазифалар, энг аввало, ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари билан уйғун ва ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир. Партия сайловолди Платформасида камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаа маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар, нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш вазифалари белгиланган. Гуруҳимиз аъзолари ушбу дастурий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда эшитув бўйича қабул қилинган қарор муҳим ўрин тутишини эътироф этган ҳолда унинг ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий ғурур

Ҳунар — бахт калити

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Сайёҳлик ҳамда миллий ҳунармандчилик шаҳар ва туманларимизда ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омилларидан бирига айланмоқда. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ҳунармандлар ясаган сержило сопол буюмлар, ёғочу мисдан нафис ишланган ўймакорлик намуналарини кўриб ҳайратланамиз, моҳир ҳунармандлар истеъдоди ва ақл-заковатига тан берамиз. ЎзМТДП аъзоси Мирзағолиб Акрамов ҳам ана шундай қўли гул усталардан. У нозик ва бетакрор нақшлари билан довруғ қозонган Риштон кулолчилик мактабини янги ноёб асарлари билан янада бойитди.

— Ҳар бир ҳунармандлик буюми меҳр маҳсулидир, — дейди Мирзағолиб. — Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик анъаналарини ривожлантириш, ёшларга ўргатиш учун кенг шароит ва имкониятлар яратилган. Она заминимиз тупроғидан тайёрланган сопол буюмлар Малайзия, Япония, АҚШ, Германия, Франция каби давлатларда ўтказилган халқаро ярмаркаларда ҳам муносиб эътироф этилган. Илк бор 2010 йилнинг ноябрь ва 2012 йил июнь ойларида "Ҳунарманд" уюшмасининг халқ амалий усталари билан Малайзиянинг Келантан штатида халқ амалий кўргазмасида иштирок этганимда, бунга яна бир бор амин бўлдим. Бутун дунёдан ташриф буюрган сайёҳлар миллий кулолчилик буюмларимизни ҳайрат ва ҳавас билан томоша қилгани, харид қилганини кўрсангиз, шижоатингизга шижоат қўшиларкан. Халқимизда "ҳунарли элда азиз", деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳали ёш бўлсам-да, бу нақлга амал қилган одам ҳеч кимдан кам бўлмаслигини англаб етдим. Халқ амалий санъатининг бадиий кулолчилик соҳасига меҳрим тушгани боис 14 ёшимдан бошлаб шу соҳада уста-кулол Маҳмуд Азимов устахонасида иш бошладим. Мана 18 йилдирки, соҳа равнақига ўз меҳнатимиз билан ҳисса қўшишга ҳаракат қиляпмиз. Партиямиз "устоз-шогирд" анъанасини ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик, маҳаллий ишлаб чиқариш ҳамда миллий ҳунармандчилик аҳамиятини кенг тарғиб этиш мақсадида турли лойиҳалар, кўргазмалар ташкил этаётир. Айниқса, партия кўмагида имтиёзли кредитлар ажратилаётгани соҳа ривожида муҳим ўрин тутади.

— Шогирдим Мирзоғолибнинг келажаги порлоқ ҳунармандлардан, — дейди уста-кулол Маҳмуджон Мамажонов. — Бугунга қадар у кўплаб танловларда иштирок этиш билан бирга, Республика "Ҳунарманд" уюшмаси қошида "Сопол-чинни" маъсулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Бу ерда 6 нафар ёш ҳунарманд фаолият юритмоқда. Яъни, шунча иш ўрни яратилди. Давлатимиз томонидан яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланаётган ёш ҳунарманд ўз маҳсулотини экспорт қилиш орқали миллий меросимизни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Яъни, мазкур жамиятнинг чет эллик буюртмачилар билан алоқалари кўлами тобора кенгайиб боряпти.

Дарҳақиқат, халқимиз бадиий ҳунармандчилигининг қадимий услуб ва мактабларини асраб-авайлаш, ўрганиш ва янада такомиллаштириш миллий маданиятимиз равнақида муҳим омилдир. Бу саъй-ҳаракатлар юртимизда ҳунармандчиликни ривожлантириш ва ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтириш, уларни аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бандлик

"Банк кредитлари — ҳунармандларга"

Мамлакатимизда навқирон авлод вакилларининг ҳаётда ўз йўлини топиши, ҳар томонлама соғлом вояга етиши учун барча имконият муҳайё. Айниқса,ёшларимизни тадбиркорликка жалб этиш юртимизда янги ишлаб чиқариш корхоналари ва машиний хизмат кўрсатиш шохобчаларининг фаолият бошлаши, қўшимча иш ўринлари яратилишига имкон бермоқда.

лойиҳаси доирасида самарқандлик 16 коллеж битирувчисига қарийб ярим миллиард сўм имтиёзли кредит олиш учун сертификат топширилди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларга кредит бериш тартибини янада соддалаштириш ёш тадбиркорлар сафининг кенгайишига хизмат қилаётир. ЎзМТДП ҳам ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорликка оид ҳуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Тижорат банклари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган "Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси юзлаб ёш тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очаётир. Яқинда Самарқанд вилоятида ана шу лойиҳа доирасида 16 коллеж битирувчисига 416 миллион сўм имтиёзли кредит олиш учун сертификат топширилгани фикримизга яққол далилдир.

Тадбирда партия Самарқанд вилоят кенгаши ва ЎзМТДП фракцияси аъзолари, "Микрокредитбанк" ходимлари, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Бугунги тадбир ёшларнинг тадбиркорликка оид ҳуқуқий билимларини янада оширишга ҳам хизмат қилади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев. — Уларга тадбиркорлик субъектларини текшириш, кичик корхоналар учун солиқ тўлашдаги имкониятлар, коллеж битирувчиларини ишга қабул қилган корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ҳақида кенг маълумотлар берилди. Бу, айниқса, кредит олиб, энди иш бошлаётган ёш тадбиркор учун ғоятда муҳим. Чунки мақсад — ёшларга фақат кредит бериш эмас, балки уларнинг кейинги фаолиятини ҳам ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат. Бугун ажратилаётган кредит ёшларнинг ҳаётда ўз йўлини топиши ва мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади. Ёш тадбиркорлар билан тез-тез учрашувлар ташкил этиш, маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан давра суҳбатлари ўтказиш муҳим ўрин тутади.

Зеро, тадбиркорликка оид қонунлардан, янгиликлардан хабардор, ўз ҳақ-ҳуқуқи ва мажбуриятини яхши билган тадбиркор иқтисодиётимиз юксалишига муносиб ҳисса қўша олади. Партиянинг мазкур лойиҳаси, энг аввало, ана шундай мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларга мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш "Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳасининг асосий мақсади, — деди тадбирда ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Ориф Холиқулов. — Ёшлар, энг аввало, сифатли, рақобатбардош миллий маҳсулотлар — корхона муваффақияти ва мамлакатимиз саноати салоҳиятини янада юксалтиришнинг муҳим шарти эканини англамоғи лозим. Зотан, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш — ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан.

ЎзМТДП "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остидаги маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш орқали кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришни мақсад қилган. Шу боис, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги ва замонавий технологияларни жорий этиш, республикамиз минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш партиянинг иқтисодий йўналишдаги устувор вазифаларидан саналади.

— Коллеж битирувчиларига кредит беришда ЎзМТДП билан яқин ҳамкорлик қиламиз, — деди "Микрокредитбанк"нинг кредитлаш департаменти бошқарма бошлиғи Ирода Қосимова. — Бугунги тадбир доирасида Тайлоқ ва Иштихон туманидаги 16 коллеж битирувчисининг ҳар бирига 26 миллион сўм имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди. Банкнинг мазкур кредитлари, айниқса, энди иш бошлаётган ёш тадбиркорлар учун айни муддао. Чунки кредитнинг устама фоизи кам. Бу эса тадбиркорлик субъектининг оёққа туриб олиши ва иқтисодий аҳволини яхшилашига имкон беради. ЎзМТДП билан келажакда шу йўналишдаги янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Семинар доирасида иштирокчиларга ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш борасида ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор мақсад-вазифалар мазмун-моҳияти юзасидан кенг маълумот берилди.

Гулшан ОБЛОҚУЛОВА,
Тайлоқ агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси:

— Миллий либос азалдан ҳар қандай халқ анъана ва маданиятининг рамзи, унинг ажралмас қисми бўлиб келган. Миллатнинг кўп асрлик тарихи, фалсафа ва менталитетини ўзида ифода этадиган либослар юртнинг табиий-иқлим шароити, ҳудуд аҳолисининг дидига мос равишда тикилади. Бу бизга момоларимиздан мерос. Мен ҳам тикувчиликка болалигимдан қизиқаман. Туманимиздаги "Баркамол авлод" болалар марказида ташкил этилган тикиш-бичиш йўналишидаги тўгаракка қатнайман. Анчадан буён тикувчилик корхонаси очишни ният қилиб юрган эдим. ЎзМТДПнинг мазкур лойиҳаси менга ўз ишимни мустақил бошлашга қулай имкониятдир. Партия кўмагида "Микрокредитбанк"дан имтиёзли кредит олдим. Мазкур маблағ эвазига маҳалламизда тикувчилик цехини ташкил этаман. Натижада уч нафар тенгдошим ишли бўлади.

Шоҳсанам СОДИҚОВА,
Иштихон транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи битирувчиси:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида тадбиркорлик, айниқса, оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу янги иш ўринлари яратиш, оилалар фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир. Бундан бир неча йил аввал нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхона ташкил этган эдик. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонамизда сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Уч киши доимий иш билан таъминланган. Ўтган йили Хитойдан хамир қориш ускунасини харид қилдик. Энди хориждан замонавий электрпеч сотиб олиш ниятидамиз. ЎзМТДПнинг мазкур лойиҳаси ёрдамида "Микрокредитбанк"дан имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдик. Бу кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Келгусида қўшимча тармоқларни йўлга қўйишни, янги иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз.

Ҳасан САЛОМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фестиваль

Миллий халқ ўйинлари

навқирон авлодда мардлик, ҳамжиҳатлик ва бирдамлик кўникмасини шакллантиради

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида бой маънавий меъросимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ ўйинлари, миллий спорт турлари қайта қадр топаётир.

Зеро, халқимизнинг кўҳна қадриятлари замирида баркамол авлодни вояга етказишнинг ўзига хос, ноёб усуллари шакллланган ва йиллар давомида сайқал топиб келмоқда. Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари аждодларимиздан мерос ана шундай ўлмас қадриятлардан биридир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, юртимизда халқ ўйинларининг мингга яқин тури мавжуд.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан юртимизнинг барча ҳудудида халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган миллий ўйинларни янада равнақ топтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Миллий спорт турлари бўйича турли фестиваллар, мусобақалар мунтазам ташкил этилаётир.

Хусусан, ёш авлодни миллий халқ ўйинларига қизиқтириш, спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва уларнинг истеъдодини намоён этишга шарт-шароит яратиш ҳамда ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Миллий халқ ўйинлари" фестивалини ўтказиб келмоқда.

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши ҳамда 16-болалар санъат ва мусиқа мактаби ҳамкорлигида ташкил этилган фестиваль ёш авлодда миллий халқ ўйинларига нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларни қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшлар орасида халқ ўйинларини янада оммалаштиришга қаратилди.

— Мазкур фестивални ўтказишдан асосий мақсад — миллий халқ ўйинларини ўрганиш, тиклаш, тарғиб қилиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшишдан иборат, — деди таълим даргоҳи директори Мирзоҳид Қурбонов. — Бугун юртимизда ёшларни миллий халқ ўйинларига кенг жалб қилишга, соғлом авлодни вояга етказишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Дарҳақиқат, соғлом авлодни шакллантиришда миллий халқ ўйинлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва ўйинлари ҳам унинг ўзлигини англатувчи муҳим омилдир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бу каби лойиҳалари миллий қадриятларимиз бардавомлигини сақлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом қилиб вояга етказишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фестиваль доирасида иштирокчилар "Оқ теракми кўк терак?", "Тўптош", "Арқонда қадамлаб юриш", "Чаққонмисан, мерганмисан?", арқон тортиш, чавгон бўйича ташкил этилган беллашувларда ўз имкониятларини намойиш этдилар.

Фестиваль якунида ғолиблар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Аҳмаджон МАДАМИНОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши етакчи мутахассиси:

— Миллий халқ ўйинлари инсон саломатлигини мустаҳкамлаб, уни ўзлигини англаш, миллий қадриятларимиз, тарихимиз, буюк аждодларимизга ҳурмат, юртни севиш руҳида тарбиялашни тарғиб қилади. Халқимизнинг ўзига хос миллий удумлари, урф-одати ва анъаналари тарғиботига йўналтирилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ушбу фестивали ёшларда миллий ғурурнинг мустаҳкамланишига хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятга эга. Зеро, халқимизнинг бетакрор самимиятини ўзида акс эттирувчи халқ ўйинлари қадимий маданиятимизнинг гўзаллигини намоён этувчи бир кўзгудир.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши томонидан ҳам худди шундай тадбир ташкил этилди.

— Қадрият ва анъаналаримиз замирида баркамол авлодни вояга етказишнинг ўзига хос, ноёб усуллари мужассам ва йиллар давомида сайқал топиб келмоқда, — деди партия Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девон ходими Аслиддин Қўшбоқов. — Халқ ўйинлари аждодлардан мерос — ўлмас қадрият саналади. Ўйинлар ёшларни мардлик, ҳамжиҳатлик ва бирдамликка ўргатади. У нафақат вақтни мазмунли ташкил этиш воситаси, балки жисмоний ва ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисми сифатида ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Миллий халқ ўйинларининг келиб чиқиши узоқ тарихга бориб тақалади. Истиқлол йилларида халқ ўйинларини ривожлантириш, спорт тўгараклари ва мусобақаларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партиямиз ташкил этаётган мазкур фестиваль ҳам келажагимиз эгаларини миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этишда алоҳида ўрин тутади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда нафақат якка, балки жамоавий баҳслардан иборат миллий ўйинларимизга ҳам қизиқиш ортиб бораётир. Булар иштирокчининг ҳам саломатлигини яхшилайди, ҳам унда бир жамоа бўлиб, ягона мақсад сари ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантиради. Донишманд халқимиз қадимдан ўйинлар орқали ҳамжиҳатлик ва бирдамликни тарғиб қилган, аҳиллик, ягона мақсад сари интилиш миллатни улуғлашига ишонган. Ўйинлар халқ ҳаётининг муҳим қисми экани мутафаккир боболаримизнинг асарларида ҳам таъкидланган. Хусусан, Беруний қадимги халқлар ўйинлари, Ибн Сино бундай ўйинларнинг фойдали хусусиятлари ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Маҳмуд Қошғарий эса туркий халқларга оид кўплаб ўйин турларини, Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур ўйинларнинг жисмоний ва руҳий тарбиясини ифодалаган.

— Арқон тортиш мусобақаси болаликдан яхши таниш, — деди беллашувда ғолиб чиққан Сардоба туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси аъзоси Сайёра Ҳакимова. — Унда ғалаба қозониш учун ҳамма бирдай ҳаракат қилиши лозим. Бир кишининг сусткашлиққа йўл қўйиши бутун жамоага таъсир кўрсатади. Мусобақада, айниқса, жамоадошингни қўллаб-қувватлаш ва руҳлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, миллий халқ ўйинларимиз ёшларда ғалаба учун бирлашиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантиради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамжиҳатлик ва бирдамликни мустаҳкамлашга қаратилган миллий спорт турларини ривожлантириш ва қайта тиклаш, жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ҳамда ёшларни спортга жалб этиш, уларни миллий ўйинлар ва спорт билан кенг қўламда ва мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашишни устувор вазифа деб билади. ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари ташаббуси билан мунтазам ўтказиб келинаётган бу каби фестиваллар партия дастурида белгиланган мақсад-вазифалар рўёбида муҳим аҳамиятга эга.

Тадбир якунида ғолибларга партия вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Нигина БОЙЗАЕВА,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— "Миллий халқ ўйинлари" фестивали ҳар йили республикамизнинг барча ҳудудида ўзгача шукуҳ ва кўтаринкилик билан ўтказиб келинмоқда. Боиси, ҳар бир вилоят ва ҳудуднинг ўзига хос ўйин ва анъаналари бор. Хусусан, Сирдарё вилоятида қадимдан халқ сайллари, тўй ва байрамларда кураш, кўпкари каби миллий ўйинлар намойиш этилган. Бугун тадбирда ёшларнинг халқ ўйинлари ҳамда миллий удумларимизга бўлган қизиқишини кўриб ғурурландик. Негаки, аждодларимиз заковатининг ноёб дурдонаси, халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган халқ ўйинлари нафақат жисмимизни, балки руҳимизни чиниқтириб, ҳаётда курашиб яшашга ўргатади.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
Замира РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

MILLIY TIKLANISH
21 (393) 2016 йил 1 июнь, чоршанба

Миллий давлатчилик ва миллий адабиёт

Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди

Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман, темурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки бехосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

Президентимизнинг мазкур хулосалари мағзида қоидага айланган бир фикр бор: бу дунё ва ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Чиндан ҳам Ер курраси пайдо бўлганига неча миллиард, инсон атак-чечак қила бошлаганига неча минг йил бўлган бўлса, табиат ва жамият айнан шу қонуният негизида яшаб келмоқда. Табиат-ку ўз ишини қилаверади, жамиятда эса барчаси унинг ўзига боғлиқ. Ютуқ, марраларга ҳам, йўқотиш, тушкунликларга ҳам сабабчи ўзидир. Юртбошимизнинг яна бир ўгитларини эслайдиган бўлсак, олма пиш, оғзимга туш, деган билан ҳеч нарса ўз-ўзидан муҳайё бўлиб қолмайди. Шу маънода эркин турмуш кечирилган ҳар кун, ҳафта, ой ва йилнинг қадри бор, албатта. 2016 йилнинг ўрни эса алоҳида — олтин кузнинг илк кунида Мустақилликнинг 25 йиллиги кенг нишонланади.

Биз ўзбеклар орзу-ҳавасли миллатмиз. Палаги тоза, илиги ва кўзи тўқ, ўзига ишонган, ниятлари пок, кўнглида кири йўқ, маърифатли, бугунидан рози, эртасидан умиди катта халқ шундай бўлади. Бундай халқни Яратганнинг ўзи ҳам сийлайди, берса ҳам қўш қилиб беради. Омад кучлиларга, тиришқоқларга кулиб боқади, қоидаси ҳам аслида шундан. Аксинча, ожиз, бировларнинг кўзига илтижо, қўлига қарам, тили қисиқ, рўзғорининг тайини йўқ, билимсиз, на ўз йўли, на мақсади бор одам ва жамиятда эзгу майл қайда, дейсиз. Бундайлар ва ҳасад оралиғи бир қадам...

Буюк аждодимиз Алишер Навоийнинг 575 йиллиги Истиқлолнинг 25 йиллик санасига тўғри келганида ҳам катта ҳикмат бор, деб ишонамиз. Ўз миллати, юрти ва давлати учун куюнган, бу йўлдаги эътиқодини номига эмас, амалда, асрларга татигулик меҳнати билан исботлаб қўйган шахс руҳи учун бундан ортиқ шодланиш бормикан!?

Давлатимиз раҳбарининг Соҳибқирон ҳақидаги юқорида келтирилган баҳоси Алишер Навоий, ёппасига айтганда, заминимизда етишиб чиққан ҳар бир улуғ шахс ва воқеага тегишлидир, десак адашмаган бўламиз. Шу муносабат билан аллома номи берилган Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетини таъсис этишга оид фармондаги "ўзбек адабий тили айниқса XIV-XV асрларда — Амир Темур ва темурийлар даврида ривожланишнинг янги, юксак босқичига кўтарилди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашарият маданий хазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини айнан она тилимизда яратиб, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этди" таъкиди ҳам айнан тарихий ва илмий ҳақиқатдир. Негаки, Саккокий, Лутфий, Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Гадоий, Юсуф Амирий, Аҳмадий, Яқиний биргина Ўзбекистонни эмас, бутун дунёни мўғуллар ҳукмронлиги тарихий босқичидан халос этиб, юртимиздан ташқари қатор мамлакатлар, халқлар тараққиётини маданий йўлга солиб юборган Амир Темур даҳоси билан яратилган сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий муносабатлар тизими натижаси ўлароқ кейинги темурийлар даврида янада юксалиб сайқалланган муҳитда туғилганлар, таълим-тарбия олганлар, ижод қилганлар, ўз истеъдодларини юзага чиқариш имконига эга бўлганлар — пировардида буюк зотлар, шоирлар сифатида донг чиқарган, қадр-қиммат топган. Янада аниқроқ айтсак, давлатчилик ва иқтисодий-ижтимоий муносабатлар бир-бирини тақозо этган равишда уйғун ривожланган, ўзбек давлати бўлгани учун ҳам ўзбек илм-фани ҳамда маданияти узлуксиз, ўзига хос ва мос тарзда тараққий топган.

Мустамлака даврида Алишер Навоийни ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси сифатида "улуғлаш" сиёсатини омма онгига сингдириш, қандай бўлмасин илмий асослаш орқали ўзбек тили ва адабиётининг ўқ илдизига болта уриш, неча минг йиллик давлатчилик ўтмишимизни инкор этиш ва, охир-оқибат, узлуксиз тарихий ривожимизни чиппакка чиқариш йўли билан миллатимизни камситиш, насабсиз ва изсиз кишилар тўдасига айлантириш авж олганини ҳали эсимизда. Ўзи, буни унутиб бўлармикан?!

Улуғ аждодларимиз, забардаст алломаларимизни бутун дунё эътироф этиб турган шароит ўлароқ "ойни этак билан ёпиб бўлмайдиган" ночор вазиятларда эса улар тасодифан пайдо бўлгандек, ўшанда ҳам подшоҳлар бошлиқ эксплуататорлар, дин пешволари қурбонларидек кўрсатиш, гўёки ўзбек ери, ўзбек эли, ўзбек илми, ўзбек маданияти, ўзбек дунёқараши, ўзбекнинг ўзлиги узиқ-юлуқ, тартибсиз, демак, тарқоқ, турли асрларга сочилиб кетган, миллий мағзи ва юзи йўқдек талқин ва тақдим этилгани ҳам ёдимизда. Ўзи, буни унутиб бўлармикан?!

2700 йиллик давлатчилик тарихимизга, хусусан шаҳарсозлик босқичларига юзаки кўз ташлашнинг ўзиёқ бир ҳақиқатни юзага чиқаради-қўяди. Мазкур жараён асосан давлат ва сиёсатчиларнинг уринишлари эвазига пайдо бўлган ва ривожланиб борган. Бугун ҳам бутун дунёни лол қолдириб турган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз сингари қатор қадимий шаҳарларимиздаги ҳар бир тарихий обидада бунинг исботи бор. Ўзбек ва чет эл археологлари ўрганаётган ҳар бир объект бунга далилдир. Нисбатан оз улушигина тадқиқ қилинган бундай объектлар эса бизда минглаб. Қолганларига ҳам зўр берсак, дунёни лол қолдирадиган яна қанчадан-қанча янгилик ва далилларни қўлга киритишимиз турган гап.

Ўзбек меъморчилигининг неча минг йиллик ўтмишини ашёвий далиллар асосида ўрганган жаҳон фанининг хулосаси битта: узлуксиз олиб борилган бундай улкан ва мураккаб қурилишларни аниқ ва табиий фанлар ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оддий айтганда эса ўзбек шаҳарсозлиги математика, геометрия, астрономия, кимё, геодезия, геология, минерология, гидрология йўналишларидаги илмий изланишлар ва тегишли ихтиро, ютуқлар негизида бунёд бўлган. Бир-икки мисол келтирсак. Биз ҳақли равишда ғурурланиб тилга оладиган "Алжабр (алгебра) ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб"ини ёзишдан муддаони Мусо Хоразмийнинг ўзи шундай тушунтирган: *ушбу асар мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол-мулк тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда ва шунингдек* **ер ўлчаш, каналлар ўтказиш, (амалий) геометрия** *ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишиларга зарур бўлажак".*

Нил дарёсининг сув сатҳини белгиловчи ускунани ишлаб чиққан математик олим Аҳмад Фарғоний гидрология қонунларини ҳам пухта билгани шубҳасиздир. Ё бўлмаса, қурилиш қотишмалари, айниқса асрлар давомида кўркини йўқотмай келаётган турли рангларни тайёрлашда кимёгарлар меҳнати ва ютуқлари борлиги аниқ.

Илм ва маданият темурийлар даврида янада юксалгани исбот талаб қилмайди. Амир Темур, Шоҳрух, Улуғбек, Бойсунғур, Иброҳим Султон, Халил Султон, Искандар, Абулқосим Бобур ва бошқа темурийларнинг фан, адабиёт ва санъатга ақл ва юракдан доимий ҳамда тизимли ҳомийлик қилиб, рағбат кўрсатганлари бирламчи тарихий манбаларда муҳрланган. Шу муносабат билан Алишер Навоийнинг "Нафис истеъдодлар гурунги" *("Мажолис ан-нафоис")* асарида темурийларга берилган таърифларни эсласак. Амир Темур ҳақида: *Гарчи ўзи шеър битмаса-да, бироқ кези ва ўрни келганда назм ва насрни ёддан шундайин айтардики, ул зотнинг ўқиган бир байти минг байт ёзганчалик даражада эди. Соҳибқироннинг топқирлигига бир мисол шуки, ўғли Мироншоҳга маишатпарастликда шериклик қилиб юрган машҳур чолғучи ва ашулачи Хожа Абдулқодирга танбеҳ бериш ниятида ҳузурига чорлаганида, у қўрқувдан баланд ва гўзал овоз билан қироат қила бошлаган. Шунда Амир Темурнинг қаҳри меҳрга ўзгариб, ҳузуридаги олиму фозилларга қарата қуйидаги мисрани ўқиган:*

Қўрқувдан бу бояқиш
Қилди-ку масҳафга чанг солиш.

Сўнг уни саройида олиб қолиб, кўп илтифотлар кўрсатган.

Алишер Навоийнинг айнан мазкур воқеани келтириб ўтишидан мақсади Соҳибқирон адабиётни қанчалар чуқур билишини, хусусан, маъноси турлича шаклдош сўзларни ўз ўрнида қўллай олиш маҳоратини урғулаш бўлгани шубҳасиз. Чунки чанг ҳам чолғу асбоби, ҳам чангални англатади. Демак, Амир Темур, масҳафга чанг солди, дея Хожа Абдулқодирнинг чанг чалишига ҳам ишора қилган.

Соҳибқироннинг сўз санъати нозикликларидан хабардорлиги даражаси қанчалар юқори бўлганига ишора берувчи бошқа бир маълумотни ҳам келтириш жоиз. Ўзбек давлатини Амир Темур бошқарган йилларни қамраб олган "Зафарнома" муаллифи Низомиддин Шомий ишга киришишдан олдин — Соҳибқирон билан бўлган суҳбатни хотирлаб шундай ёзган: *Мен палос ўпиш шарафига мушарраф бўлганимда ул ҳазрат олдинига каминани роса сийлаб, эҳсонлар кўрсатди. Сўнг мақсадга кўчиб, ҳозиргача ўзи ҳақида ёзилган тарихларни йиғиш, уларни ортиқча сўзлардан тозалаш, дабдабаю турли безак, лоф уришлардан тийилиш, содда тилда баён этиш лозимлигини укдирди ва шундай деди: бадиий услубларни қўллаб, турли ўхшатиш, муболағалар билан оро берилган китобларда кўзланган мақсад ўртада йўқолиб кетади, адабий қонун-қоидалардан хабардор кишилардан биронтаси тушуниши мумкиндир, бироқ қолган ўнтаси, балки юзтаси асар мазмунини билиш, мақсадига етишда ожиз қолади. Шу сабабли китобнинг фойдаси барчага баробар бўлмайди. Мен таъзим қилиб: "Гар истеъдод бўлмаса, ҳеч ким айтолмас, Хосга мақбулу омма тушунгудек сўзни", байтини айтганимда эса Соҳибқирон: "Мен ана ўшандоқ сўзни хоҳлайман", деди.*

Шоир Алишер Навоий ва тарихчи Низомиддин Шомий — ўз соҳасининг етук усталарининг ушбу гувоҳликлари шу жиҳатдан қимматлики, Амир Темур, бир томондан, шеърият қонун-қоидаларини ўта пухта билган, иккинчи томондан, тарихий асарларнинг тили равон, оддий, барча учун тушунарли бўлиши лозимлигини чуқур англаган. Бир сўз билан айтганда эса сўз санъатини ўз ўрнида қўллаш тарафдори бўлган.

"Нафис истеъдодлар гурунги"да Шоҳрух ҳақида: *У ҳам шеър битиш билан машғул бўлмаса-да, кези келганда чиройли байтлар ва яхши сўзларни қўллай биларди. Абулқосим Бобур менга айтиб беришича, Шоҳрух бир иморат қурилишида хатога йўл қўйган уста Қувомиддинни бир йилгача ҳузурига киритмай қўйган. Қандай қилсам олий ҳукмдор мени кечирар экан, ўйида юрган уста юлдузлар ҳаракати бўйича тузган тақвимни унга тақдим этиш баҳонасида янги йил бошида қабулга кирганида, Шоҳрух кулиб, мана бу байтни айтган экан: — "Сен ердаги ишларни қилгандинг қойил, Энди осмонга бўлибсан-да мойил".*

Амир Темурдек отадан шундай ўғил туғилишида ҳеч ажабланарлиси йўқ, сўзлари билан ҳикояни тугатган Алишер Навоий темурийларга хос туғма адабий салоҳиятни урғулаш баробарида Шоҳрухнинг адабиётдан яхшигина хабардорлигидан ташқари кўплаб қурилишларга бошчилик қилган уста Қувомиддиннинг касби билан уйғунлашган бадиий топқирлигига қойил қолган, албатта.

Улуғбек ҳақида: *Камолоти жуда кўп эди, астрономия ва математикани зўр биларди, "Зиж" тузган, расадхона барпо этган. Шу билан бирга назмга ҳам рағбати бор эдики, мана бу у битган ғазалнинг биринчи байтидир: "Ҳарчанд ўйласанг-да, ҳусн мулки эрур ўз қўлимда, Шўҳлик қилма, ёмон кўзлар турурлар пистирмада".*

"Нафис истеъдодлар гурунги"да яна қатор темурийлар (Бойсунғур, Иброҳим Султон, Сайди Аҳмад, Халил Султон, Або Бакр, Искандар, Абулқосим Бобур, Абдулатиф ва бошқалар) ҳам адабиётга катта эътибор берганлари қаторида ўзлари ҳам шеър машқ қилганлари ҳақида қимматли тасдиқлар бор. Масалан, Лутфийни "Гул ва Наврўз", Ҳайдар Хоразмийни "Сир тўла хазина" *("Махзан ал-асрор")* асарларини ёзишга ундаган Искандар ижодидан мана бу туюққа диққатни қаратсак: *"Тўлун ойга нисбат эттим* ***ёруми,*** *Ул хижолатдин кам ўлди* ***ёруми,*** *Тори мўйиннгинг закотин мен берай, Ё Мисрки, ё Ҳалабни ё* ***Руми*** *(Тўлин ойга ўхшатдим* ***ёримни,*** *У эса хижолатидан йўқотди* ***ярмини,*** *Бир тукинг закоти учун мен берайин, Ё Мисрни, Ё Ҳалабни (Сурия) ё* ***Румни"*** *(Туркия).* Шаҳзоданинг мазкур тўртлиги Ҳофиз Шерозийнинг: *"Агар он турки шерозий бе даст орад дили моро, Бе холи ҳиндуйаш бахшам Самарқанду Бухороро (Гар ул шерозлик турк аёли забт этсаки қалбимни, Бахш этгум ҳинд холига Самарқанду Бухорони)"* мисраларига ўзига хос жавоб бўлгани баробарида уч шаклдош сўзни (ёрим, ярим, рум) қойиллатиб қўллаганига лол бўлмай иложингиз йўқ.

Жасурлиги ва кучининг зўрлиги билан донғи кетган, бобоси Амир Темур меҳрини қозонган Або Бакр битган туюқда ҳам шаклдош сўзлар маҳорат билан терилганидан ташқари ғурурни улуғловчи кучли маъно ҳам бор: *"Эр керак ўртанса, ёнса ёлина, Ёра еб ётса отининг ёлина, Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ, Эр отониб душманиға ёлина (Эр киши ўртансин,* ***ёлқин****дек ёнсин, Яраланса, отининг* ***ёлида*** *ётсин, Ит ўлими бирла ўлса яхшироқ, Эр аталиб душманга* ***ялинган****дан кўра)".*

Она тилида ижод қилган темурийлар орасида ўз ғазаллари девонини тузган, достон битган етук шоирлар ҳам бўлган. Улардан бири, Амир Темур набираси Сайди Аҳмад қаламига тегишли "Севгинома" ("Таашшуқнома") маснавийсининг қўлёзмаси ҳозирда Британия музейида сақланмоқда.

XIV–XV асрлар ўзбек тили ва адабиётида темурийлар тутган ўрнинг бағишланган гурунгни Алишер Навоий мана бу тўртлик билан бежиз якунламаган, деб ўйлаймиз:

"То Темуру Шоҳрух деган бўлғай от,
Андин сўнгги шоҳлар бари
фархунда сифот.
Эй давлату иқболға оростайи зот,
Мажмуича бўлсун санга
даврони ҳаёт".

Мазкур мисралар давлатнинг, чуночи темурийлар фаолиятининг — илмий-маданий тараққиёт, хусусан, адабиётга таъсирининг лўнда бадиий ифодаси десак бўлади. Зеро, Амир Темур даври сиёсий, иқтисодий-ижтимоий муносабатлар меваси ўлароқ ўзбек тили ва адабиётининг пойдевори ва қўрғони янада мустҳкамланди, Шоҳрух замонида эса гуркираб ривож топди. Шу тариқа, тақир ерда, тасодифий равишда эмас, балки ушбу жараён энг авжига чиққан паллада — 1441 йили Алишер дунёга келди, шу муҳитда ўсди, таълим-тарбия олди, худо ато этган истеъдодини юзага чиқариш бахтига сазовор бўлди, пировардида тарих ва дунё тан олган буюк шахсга, Президентимиз сўзлари билан айтганда, "авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони"га айланди.

Халқ орасида эскидан қолган бир таъриф бор: бу одам мадраса кўрган. Яъни, таълим чўққисини эгаллаган, илмли демоқчи. Негаки ўрта асрларда мадраса деганда олий таълим даргоҳи тушунилган. Алишер Навоий ҳам 1465-1469 йилларда Самарқанд мадрасасида ўқиган, турли фанлар бўйича олий таълим олган. Абдураҳмон Жомий ҳам мазкур шаҳарда, хусусан, Улуғбек мадрасасида ўқигани, астрономия, математика фанлари бўйича Қозизода Румий, Али Қушчи маърузаларини тинглагани маълум. Кўриниб турганидек, ўз даврининг университетларида, мустамлака замонида жар солинганидек, диний илмлар эмас, аниқ ва табиий фанлардан ҳам сабоқ берилган. Гапнинг пўсткалласини айтадиган бўлсак, черков барчани назоратга олган ўрта асрлар ғарбидаги университетларда ҳам илоҳий фанлар ўқитилганидан, улар аслида диний мактаблар асосида пайдо бўлганидан яхши хабардормиз. Шунингдек, ўзбек ери ва давлатчилигида дин моҳият эътибори билан ҳеч қачон давлат ва сиёсатдан устун турмаган, илму маърифатга қарши чиқмаган. Галилейни инквизицияга дучор қилишдек фожиалар бизда бўлмаган, Улуғбек ва Хожа Аҳрор қарамақаршилигига ўхшаш синфий курашларга оид "тарихий" воқеалар коммунистик мафкура корчалонларининг тўқималаридир, холос (Хожа Аҳрор Тошкентдан Самарқандга буюк олим ўлимидан икки йил ўтиб кўчиб келган).

Интернетнинг қулоғини бураб, университет дегани қачон пайдо бўлган ўзи, сўроғини берсанг, XI асрда Италиянинг Болонясида, дейди. Аммо худди шу асрда Бухорода Тўғрулбек қурдирган мадраса-чи? Мазкур маълумот тарихий манбаларга тушгани учун одатда унга кўпроқ урғу берилади. Бошқача айтганда, ўзбек ерида мадрасалар XI асрдан илгари ҳам фаолият кўрсатгани аниқ. Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва яна кўплаб юртдошларимиз ҳам мадраса кўрганликлари шубҳасиздир. Яъни улар дунёга келибоқ буюк кашфиётларини тўкиб солмаганлар, аввалига мавжуд таълим-илмий-маданий муҳитдан баҳраманд бўлганлар, қадимдан мавжуд анъаналарни давом эттирганлар.

Юқорида давлатчилик ва илм, маданият ўзаро боғлиқликда ривожланишига урғу берганимизнинг яна бир сабаби бор. 1998 йили бир гуруҳ тарихчилар билан учрашувда Юртбошимиз олимлар олдига икки йирик масала — ўзбек давлатчилиги ва этник тарихини ўрганиш вазифасини қўйганди. Тажриба шуни исботламоқдаки, мазкур икки илмий йўналиш доим долзарб бўлган ва бундан буён уларнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти ошса ошади, сустлашмайди. Шу маънода, биз асосан улуғ шоир сифатида биладиган Алишер Навоий адабиётшунос ва тилшунос олим ҳамда йирик давлат арбоби ҳам бўлганлигини урғулаган бўлардик. Унинг давлат бошқарувида ғайрат кўрсатганлиги, хусусан, муҳрдорлик, ҳоким, бош вазир вазифаларида ишлаб, ички ва ташқи сиёсатда ўз ўрни ва обрўсига эга бўлганлиги, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда катта из қолдирганлигининг ўзиёқ давлатчилигимиз тарихи нуқтаи назаридан алоҳида қизиқиш уйғотиши табиий ва лозим. Ушбу жиҳатга урғу бераётганимизнинг яна бир, ўта муҳим сабаби бор. Кишилик ўтмишида ўзининг асосий фаолиятидан ташқари яна бир муҳим йўналишда чуқур из қолдирган улуғ шахслар атиги иккита: Амир Темур ва Алишер Навоий. Амир Темур буюк ҳукмдор, саркарда бўлганлиги баробарида давлат ва жамият бошқарувига оид асар — "Тузуклар"ни ёзиб қолдирган шахс ҳамдир. Улуғ шоир сифатида этироф этиладиган Алишер Навоий эса давлат бошқарувининг юқори даражасида фаолият кўрсатган яғона алломадир. Бундай нодир ҳодисани биз бирон халқ тарихида ўқимаганмиз, эшитмаганмиз.

Этник тарихни ўрганиш масаласига келсак, бу борада мустамлака даврида ҳукмрон миллат манфаати нуқтаи назаридан тўқиб чиқарилган сиёсий-илмий талаблардан фарқли ўлароқ замонавий фан ёндашувлари чуқурроқ ва серқиррадир. Хусусан, бирон миллатнинг келиб чиқиши, ривожланиш босқичлари тарихини ўрганишда адабиётшунослик ва тилшуносликнинг алоҳида улуши бор. Тил ва миллат узвийликда ривожланиши масаласига фармонда ишора бериб ўтилгани ҳам бежиз эмас, алабатта. Шу маънода Алишер Навоий асарлари, айниқса унинг "Икки тил муҳокамаси" *("Муҳокамат ал-луғатайн")* китоби катта илмий қимматга эга манба саналади. Қолаверса, бобомизнинг илмий-адабий мероси фармонда айтилган долзарб вазифалар — ўзбек тили ва адабиётининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва жаҳон тилшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш, турли мавзу ва йўналишлар бўйича луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратишда тенгсиз ва далил-исботи ичида хазина ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳеч қайси ютуқ, марра ўз-ўзидан, тасодифан пайдо бўлган эмас! Қайси соҳа ва замонда бўлмасин, барча буюкларимиз ҳам шу муқаддас заминда заррадек пайдо бўлиб, шу ер ҳавосини олиб, шу юрт сувини ичиб, мактабига қатнаб, мадраса кўриб, ўтмиш илмий меросидан баҳраманд бўлиб, улуғлик даражасига етишган, кишилик сиёсий, илмий ва маданий саҳнасида қуёшдек чарақлаган. Қуёшли Ўзбекистон деганда, биз аввало, улар ва улар бошлиқ истеъдодлар силсиласи ва, демак, ўзбек миллатининг ақлу заковатидан бутун дунёга таралган ва ҳали ҳам тафти пасаймаган ва ҳеч қачон пасаймаяжак сиёсат, илму маърифат, эзгулик нурларини тушунамиз! Шунинг учун ҳам **биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!**

Азамат ЗИЁ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Китоб байрами

Маънавият ва маърифат айёми

Болаликдаги энг яқин дўст, маслакдош, бизни камолотга элтувчи саодат калити шубҳасиз китоб. Эртаклар оламида яшамаган, асар қаҳрамонлари ўрнига ўзини қўйиб кўрмаган инсон топилмаса керак. Китоб — қалб гавҳари, кўнгил офтоби.

Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида ўтказилган "Китоб байрами"да бу жиҳатлар яна бир бор намоён бўлди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят марказларида бўлиб ўтмоқда.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Сарвар Отамуратов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Омонулла Юнусов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида

миллий адабиётимизни равнақ топтириш, буюк аждодларимизнинг бой мероси ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, китобхонлик маданиятини шакллантиришга қаратилаётган доимий эътибор халқимиз, айниқса, ёшлар тафаккурини юксалтириш, ёш авлодни билимли, соғлом фикрли, маънавиятли инсонлар этиб вояга етказишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда бугун юздан зиёд нашриёт, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳузурида элликка яқин ноширлик бўлимлари, бир минг етти юздан ортиқ матбаа корхонаси фаолият юритмоқда. Улар томонидан 2015 йили беш мингга яқин номда эллик миллион нусхада адабиётлар чоп этилган.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи бугун ҳар доимгидан-да кўркамлашди, десак, хато қилмаган бўламиз. Китобга бўлган эҳтиром, буюк инсонларнинг мутолаанинг фазилатлари ва ҳикматли сўзлар битилган қирқдан зиёд паннолар, боғнинг турли бурчакларига ўрнатилган телемониторлар орқали нашриётлар фаолияти ва кўргазма стендлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Шунингдек, "Энг яхши китобхон", "Китобхон оила" каби мавзуларга оид совринли интеллектуал ўйин ва викториналар ўтказилди.

— Истиқлол йилларида халқимизнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди "Шарқ" НМАК бош муҳаррири, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси Аҳрор Аҳмедов. — Бу каби тадбирлар, маърифий сайллар аҳолининг, айниқса ёшларнинг миллий адабиётимизга ва жаҳон адабиёти дурдоналарига бўлган қизиқишини ошириш ҳамда оилавий китоб ўқиш анъаналарини тарғиб этиш, ёзувчи ва китобхон ўртасидаги мулоқотни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Нашриётимиз 2015 йилда 150 дан ортиқ номда жами адади олти юз мингга яқин бадиий адабиётлар, 6 миллионга яқин нусхада дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар тақдим этди. "Китоб байрами" халқимизнинг ана шундай эҳтиёжларини ўрганиш ва нашр ишларини шунга қараб белгилашда катта имконият яратмоқда.

"Китоб байрами" доирасида "Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси" мавзусида IV илмий-амалий конференция, шунингдек тадбир доирасида Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижодий кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Фаол иштирокчилар Матбуот ва ахборот агентлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Бой берилаётган бойлик

ёхуд кашандалик ортидаги хавф

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, дунёда 1,3 миллиард киши кашандаликка ружу қўйган. Йилига 6 миллиондан зиёд одам тамаки билан боғлиқ касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмади. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 8 миллиондан ошиши мумкин. Мазкур маълумотлар дунёда бу борадаги вазият нечоғли таҳликали тус олаётганини кўрсатади. Шу боис ҳар йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан 31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни дунё миқёсида кенг нишонлаб келинмоқда. Мақсад — чекишнинг салбий оқибатларини одамларга тушунтириш, кашандаликка ружу қўйган инсонларни ушбу иллатдан воз кечишга ундашдан иборат.

Ҳиндулардан қолган "мерос"

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, илк тамакини америкалик ҳиндулар ўйлаб топган (сигарета сўзи французча "cigarette" сўзидан олинган бўлиб, "кичик тамаки" маъносини англатади). Айнан улар қамиш, сомон ва маккажўхори поясига тамаки солиб тутатган. 1492 йилда сайёҳ Христофор Колумб Кариб денгизидаги ороллардан бирига (баъзи олимлар бу Тобаго ороли бўлган, "табак" атамаси шу орол номидан келиб чиққан, деган тахминни илгари суради) келиб қолганида тамаки чекаётган кекса ҳиндуни учратган. Шу тариқа сайёҳ Марказий Америкадан Европага тамаки ўсимлигини олиб келади. Одамлар дастлаб унинг тутуни турли касалликларга дори деб, қуритилган барларини найча қилиб чекишга ўрганишди. Албатта, ўша пайтда унинг охироқибатда инсоният соғлиғи учун катта хавфга айланишини ҳеч ким тасаввур қилмаган.

Замонавий сигарета тарихи XIX асрнинг 80-йиллари охирида АҚШда сигарета тайёрловчи ускуна ихтиро қилингандан сўнг бошланган. Бундай тамаки тезда оммалашди. Сабаби уни шошилмай, танаффус билан чекиш мумкин эди. Илк сигареталарнинг фильтри бўлмаган. Шу боис улар кўпроқ папиросни ёдга соларди. Илк асбест фильтрли сигареталар Англияда ишлаб чиқарилди. Бу машҳур "Kent" маркали сигареталар эди. Кейинчалик ўзаро рақобатнинг кучайиши сабабли бошқа замонавий фильтрлар, хусусан, ментол аралашмали фильтрлар пайдо бўлди. 1847 йилда Швейцариянинг Лозанна шаҳрида сигареталар сотиш билан шуғулланувчи машҳур "Philip Morris" компаниясига асос солинади. 1902 йилда компания Нью-Йорк шаҳрида ўзининг бошқармасини тузди ҳамда маркетинг ишлари билан шуғулланиб, "Marlboro" сигареталарини ишлаб чиқара бошлади. Шу тариқа сигареталар янада оммалашиб бораверди. 1913 йилда "R. J. Reynolds Tobacco" компанияси "Camel" сигареталарини ишлаб чиқара бошлади. Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам чекишни одат қилди. "American Tobacco Company" янги "Pall Mall", "Reynolds" компанияси эса "Winston" маркали сигареталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. XX асрнинг 40-йиллари охири ва 50-йилларнинг бошлари тамаки саноатининг "олтин даври" деб юритилади. Сабаби, машҳур кино актёрлари тамакини ўз имижининг ажралмас қисмига айлантира бошлади.

Чекишни ташлаш учун беш сабаб

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг қайд этишича, тамаки одамларнинг ўлимига сабаб бўлаётган икки омилнинг биридир. У одамни ҳам жисмонан, ҳам руҳан ўзига қарам қилади. Шу боис чекишдан воз кечиш қийин кечади. Бироқ кашанда чекишнинг салбий оқибатларини қанча тез тушуниб, ундан воз кечса, ҳам ўзининг, ҳам атрофдагиларнинг соғлиғига фойда қилган бўлади. Кашанда кунига ўртача бир қути (20 дона) тамаки харид қилади. Битта сигаретани чекиш учун уч дақиқа вақт сарфлайди. Бу кашанда кунига бир соат вақтини, йилига 365 соатни, яъни 15 кунни зое кетказади, дегани. Агар бир қути тамакининг нархи ўртача 4 минг сўм экани, унинг ичида 20 дона сигарета бўлишини ҳисобга олсак, бу йилига 1 миллион 460 минг сўм ҳавога учишини, 200 минг донадан зиёд сигарета чекиш оқибатида инсон ўз саломатлигини, насллар давомийлигини хавф остида қолдиришини англатади. Энди ўйлаб кўринг, бунча пулни қанчадан-қанча фойдали нарсалар учун сарф этиш, рўзғорнинг камикўстини бутлаш, энг муҳими саломатлигини асраш мумкин бўларди?

Тиббий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, чекиш инсоннинг умрини 7-10 йилга қисқартиради. Кашандалик кўриш (катаракта), эшитиш қобилиятининг пасайиши, сурункали бронхит, гиперетония, миокард инфаркти, кардиосклероз, стенокардия, сурункали гастрит, тиш касаллиги (кариес), ошқозон ва бепуштлик каби хасталикларни келтириб чиқаради. Саратон хасталигининг 90 фоизи чекиш оқибатида юзага келади. Мисол учун, ўпка, бурун, оғиз бўшлиғи, ошқозониости бези, буйрак, кўкрак бези саратонининг сабаби кашандаликдир. Ўпка саратони эса онкологик хасталиклар ичида ўлимга энг кўп сабаб бўлувчи хасталик саналади. Тамаки тутуни 19 турдаги канцероген моддаларни ўзида сақлайди. Шу боис тамакининг зарарини камайтиришнинг иложи йўқ.

Агар кашанда тамакининг "енгилроқ" турини чеккан тақдирда ҳам барча канцероген моддалар унинг организмига сўрилади.

Қандай чора кўрилмасин, тамаки тутуни барибир одам танасига ўрнашиб қолади. Бу нохуш ҳид нафақат атрофдагиларга, балки кашанданинг ўзига ҳам ноқулайлик туғдиради. Қолаверса, чекиш ташқи кўринишга — тишлар ҳолати, тирноқлар, тери тузилишига ҳам салбий таъсир кўрсатади, юзга ажин туширади. Ичак фаолиятининг бузилиши оқибатида витамин ва минераллар тирноқ тўқималарига етиб бормайди. Оқибатда, тирноқлар сарғая бошлайди, синади. Сочлар жонсиз, тўкилишга мойил бўлиб қолади.

Чекиш ўлим хавфини келтириб чиқариши мумкин. Одатда, кашанда чекиш учун жой танламайди. Автомобилни бошқараётган пайтда ҳам тамаки тутатади. Хаёлнинг ҳатто бир неча сонияга чалғиши эса йўл транспорт ҳодисасининг содир бўлиши учун етарлидир. Бундан ташқари, чекиш ёнғинларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Маълумотларга қараганда, турар-жой биноларида содир бўладиган ёнғинларнинг аксариятига вақтида ўчирилмай қолдирилган сигарета қолдиғи сабаб бўлмоқда.

Ҳар йили дунё миқёсида 600 минг нофаол чекувчи ҳаётдан кўз юмади. Тамаки тутуни кашанданинг барча оила аъзолари, унга яқин юрадиган одамларнинг соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тамаки чекаётган одамдан кўра унинг ёнида туриб тутун ютган инсон кўпроқ зарар кўради. Тамаки тутатилган хонада саккиз соат ўтириш беш дона сигарета чекиш билан баравар. Айнан шу туфайли жамоат жойларида чекиш тақиқланган.

Тамакидаги икки юз заҳарли модда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кашандаликни касаллик сифатида тан олган. 1951 йилда бир гуруҳ британиялик олимлар чекишнинг ўпка саратонига алоқадорлигини аниқлаш учун тадқиқот олиб борган. 1956 йилда тамаки ўпка саратонининг асосий сабабчиси, деган хулосага келинган. Дарҳақиқат, тамаки таркибида тўрт минг хил модда мавжуд. Цистон, водород сульфид, нитробензол, ацетал альдегид, ахромин сингари кимёвий моддалар шулар жумласидандир. Тамаки япроғи ва илдизида бўладиган никотин бирикмаси улар орасида энг заҳарли ҳисобланади. Тамаки чекканда никотин тутун билан бирга нафас йўлига кириб, шиллиқ пардаларга тез сўрилади ва одамнинг нафас аъзоларига зиён етказади. Шу туфайли марказий ҳамда периферик нерв тизими фаолияти ўзгариб, бош миядаги нафас маркази заифлашади, ўпка томирлари ишдан чиқади, бронхлар ва ўпкада яллиғланишлар юзага келади. Қонда никотин моддасининг кўпайиши туфайли беморда инфаркт касаллиги келиб чиқади. Чекиш туфайли одамнинг хотираси сусаяди, баъзилар озиб кетади. Ўсмирларнинг чекиши туфайли бола ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади, жинсий қувват сусаяди. Тамаки чекувчиларда аскорбин кислота, фуросемид, гепарин эстерогенларнинг таъсир этиш кучи камайиб кетади. Шунинг учун чекувчиларда қон босими, қандли диабет, юрак ишемияси, ошқозон яраси касаллиги, нафас касалликларини даволаш қийин.



"Кашанданинг ўзи ушбу зарарли одатдан воз кечиш лозимлигини англаб етиши ниҳоятда муҳим, — дейди Россия тамакига қарши курашиш ассоциациясининг раҳбари Дарья Халтурина. — Статистика шундан далолат беряптики, чекишни ташлаганларнинг аксарияти буни ўз ташаббуси билан, ҳеч қандай дори воситаси ёки тиббиёт ходимларининг ёрдамисиз уддалашга муваффақ бўлган. Табиийки, барча ҳам буни бир уринишдаёқ уддалай олмаслиги мумкин. Одатда бундай уринишларнинг 7 фоизи муваффақиятли якунланади. Бу ҳам ёмон натижа эмас. Экспертлар фикрича, кашанда одам тамакига худди гиёҳванд сингари қарам бўлиб қолади. Шу боис агар чекишни ташлашга астойдил қарор қилиндими, иродасизлик қилмаслиги зарур. Зеро, бир дона чексам нима қилибди, қабилида иш тутиш унга яна мутеликни келтириб чиқаради".

"Monitoring"дан "Raising"гача

2003 йилнинг май ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши кураш бўйича ҳадли конвенцияси қабул қилинди. 2005 йилдан мазкур конвенция кучга кирди, унинг талаблари барча аъзо давлатлар учун мажбурий. Ҳозирги кунда мазкур конвенцияга 168 мамлакат қўшилган. 2008 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти "чекиш эпидемияси" билан курашаётган мамлакатлар учун олти йўналишдан иборат "Mpower" стратегиясини ишлаб чиққан. "Monitoring" деб номланган биринчи стратегия тамаки қабул қилишни назорат қилиш ҳамда профилактика чораларини кўришни, "Protecting" номли иккинчи стратегия эса одамларни тамаки тутуни таъсиридан ҳимоя қилишни назарда тутади. "Offering" стратегиясидан кўзланган мақсад — тамаки чекишдан воз кечишга кўмаклашиш. Ҳозирча тамакига боғлиқликдан халос этиш билан шуғулланувчи хизматлардан дунё аҳолисининг атиги беш фоизи фойдаланиш имкониятига эга. "Warning" стратегияси эса тамаки хавфидан одамларни огоҳлантиришни назарда тутади. Бунга тамаки қадоғида чекишнинг соғлиқ учун зарарли эканидан огоҳ этувчи ёзув ва суратларнинг акс эттирилиши мисол бўла олади. Бироқ бугун фақат 42 давлат тамаки қадоғида чекишнинг зарари ҳақидаги ёзувни киритиш мажбуриятини олган. Шунингдек, мазкур ташкилот тамаки савдосини кучайтириш ҳамда уни ишлаб чиқаришга ҳомийликни рағбатлантиришга хизмат қилувчи рекламаларни тақиқлаш (Enforcing) ҳамда тамаки маҳсулотларига нисбатан солиқларни кўпайтириш (Raising) сиёсатини ҳам олиб бормоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фикрича, иш жойларида чекишни тақиқлаш ишчилар ўртасида чекишни 29 фоизга камайтириш имконини беради. Тамаки маҳсулотларига нисбатан солиқларни ошириш эса ривожланган мамлакатларда чекишни 4, нисбатан кам ривожланган мамлакатларда эса 8 фоизгача камайтириш учун асос бўлади. Тамаки нархини 70 фоизга ошириш чекиш билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг сезиларли камайишига хизмат қилади. Тамакини реклама қилишни ҳар томонлама тақиқлаш эса кашандаликни ўртача 7, айрим мамлакатларда эса 16 фоизгача камайтириш имконини беради.

Соғлом турмуш тарзи — саломатлик кафолати

Эркаклар тугул энди аёллар ва қизларнинг ҳам чекишига дунё кўника бошлади. Бошқа мамлакатларни кўя турайлик, ҳатто ўзимизда хотин-қизлар ўртасида ҳам тамакига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани ачинарли. Бироқ жамиятимизда бундай иллатга кўникма ҳосил бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Негаки, бундай ҳолат халқимиз менталитетига ёт. Шу боис мамлакатимизда чекишга қарши курашиш, унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Хусусан, 2011 йилнинг 5 октябрида Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Қонунга мувофиқ, иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган нуқталарда, жамоат жойларида, жамоат транспортининг барча турида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш тақиқланади. Шунингдек, 20 ёшга тўлмаганларга тамаки маҳсулотлари сотилмайди, тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади. Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, мамлакатимизда тамаки маҳсулотлари рекламаси ман этилган.

Тамаки сотувчи савдо объектлари таълим, спорт ва бошқа муассасалардан камида 500 метр узоқликда жойлашиши зарур ва ҳоказо. Юқоридаги тартиб-қоидаларни бузган шахслар ва мансабдорлар жавобгарликка тортилади.

2012 йилнинг 24 апрелида "Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши курашиш бўйича ҳадли конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги қонун ҳам қабул қилинди. Мазкур қонунлар мамлакатимизда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга қарши курашда соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйиш, кашандалик иллати ёйилишининг олдини олиш, ҳар томонлама баркамол фарзандларни тарбиялашга хизмат қилади.

"Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ГАФФОРОВ тайёрлади.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Дунёда болажонларнинг беғубор кулгисию шўх-шодон қийқириғидан-да завқли ҳолат бўлмаса керак. Осмондай мусаффо кўзларини сизга тикканча, бийрон тилда тинмай савол бераётган, мурғак қалби билан оламдаги жамики ажойиботларни ўрганишга, мушоҳада қилишга уринаётган болакайнинг нурли чеҳрасига боққан ҳар қандай инсон ҳаёт ташвишларини унутади. Зотан, фарзандининг саодатли ва бахтиёр дамларини мудом кўриб яшаш ҳар бир инсон умрининг мазмунидир.

Фарзандларимиз бахти ва келажагини таъминлаш — олий мақсад

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналиши ва пировард мақсади сифатида белгиланган. Юртимизда жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинганлиги бунинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Халқимиз ҳамиша фарзанд тарбиясига жиддий ёндашган. Бу миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир. Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилиб ҳаётга изчил татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу эзгу ишларда асос бўлмоқда. Бугун мамлакатимизда жаҳон андозаларига тўла мос келадиган қарийб 283 болалар мусиқа ва санъат, 225 болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият юритмоқда. Олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, жаҳон андозалари даражасидаги мактаб биноларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва мазмунини тубдан такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани барчамизни қувонтиради.

Республикамизда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини юзага чиқариш, уларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралда қабул қилинган "Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда "Баркамол авлод" болалар марказлари ташкил этилди. Улар замонавий бинолар билан таъминланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Болаларнинг эҳтиёжи ва қизиқишига қараб уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятини юзага чиқариш мақсадида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятдаги "Баркамол авлод" болалар марказларида тўрт йўналиш — бадиий ижод, техника, ўлкашунослик ва экология бўйича 4 мингдан ортиқ тўгарак фаолият кўрсатаётир.

Юртимизда болаларнинг ҳуқуқларини таъминлашга ғоят жиддий эътибор қаратилмоқда. Кўплаб халқаро битимлар, жумладан, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция, "Болаларни омон асраш, ҳимоя қилиш ва камол топтиришни таъминлаш тўғрисида"ги жаҳон декларацияси имзолангани бунинг ёрқин далилидир.

— Ўзбек халқи — болажон эл, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалари қўмитаси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Иноят Ҳожиев. — Шу боис мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, у ерда болаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка гувоҳ бўласиз. Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти ҳамда халқаро ташкилотлар фаолиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ва иштирокчисига айланди. Мамлакатимизда болаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Уларнинг асосий мақсад-моҳияти келажак авлоднинг ўсиб улғайишига етарли шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Президентимиз жорий йилни Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиши ҳам болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Истиқлол йилларида қабул қилинган Давлат дастурларида, аввало, болалар ҳимояси, соғлом насл, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш, бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари илгари сурилган.

Болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Бу соҳага оид беш халқаро конвенция ратификация қилинган, ўндан ортиқ қонун қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани кафолатланган. Мамлакатимизда БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси талаблари, Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида назарда тутилган мақсад-вазифалар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Бу соҳадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка жорий қилиш ва қонунчиликни такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунига мувофиқ васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахслар, шу жумладан, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактика қилинмоқда, судларда ва бошқа муассасаларда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланаётир.

Дарҳақиқат, юртимизда она-бола саломатлиги йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Болага эътибор бўлажак оналар соғлиғини мустаҳкамлашдан бошланаётгани ғоят қувончлидир.

— Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни бутун дунё бўйлаб кенг нишонланади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош педиатри Дилором Аҳмедова. — Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳимоя қилиш замирида ҳаётни, унинг давомийлигини асраб-авайлаш моҳияти мужассам. Уларга кўрсатилаётган ҳар қандай ғамхўрлик юрт равнақи учун қўйилаётган мустаҳкам пойдевор демакдир. Бугун давлатимиз раҳбари илгари сурган "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилаётгани туфайли Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Мисол учун оналик ва болаликни муҳофазалашда мамлакатимизда дунё тажрибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларга эга поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти йилдан-йилга такомиллашиб бораётир. Мутахассислар ўтказган мониторинглардан маълум бўлишича, ушбу амалиёт қўлланилиши самарасида оналар ва дунёга келаётган фарзандларнинг саломатлик кўрсаткичи янада яхшиланмоқда, туғруқ жараёни ва ундан кейинги даврларда юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ва вазни кам болалар туғилишининг олди олинаётир. Буларнинг самараси ўлароқ, 2005 йилдан буён ривожланишида туғма нуқсони бор болалар 1,3 баробарга камайди. Юртбошимизнинг "2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Ана шу ҳужжат асосида мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасаларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш бўйича 5 йилга мўлжалланган қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Фарзандлар — оиламиз чечаклари, қувончимиз. Мамлакатимиз истиқболи, жамиятимиз таянчи, Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишига боғлиқ, албатта. Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Партия сайловолди Платформасида ҳам оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза этиш, репродуктив саломатликни, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини ошириш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Зеро, бўлғуси ота-оналар соғлом бўлса, улардан соғлом фарзандлар дунёга келади. Фарзандлари соғлом халқни эса енгиб бўлмайди.

Ҳақиқатдан ҳам, ёш авлод истиқболи йўлида амалга оширилаётган барча ишлар давлатимиз раҳбарининг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган сўзлари юртимизда ҳар бир инсон учун муқаддас бурчга, ҳаёт мазмунига айланиб бораётганидан далолатдир. Болалик — ҳаёт уммонининг мусаффо сарчашмаси, дея бежиз айтилмаган. Бугун эртамиз эгаларига кўрсатилаётган эътибор келажакда уларнинг Ватанига садоқатли, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб етишишида муҳим омил ҳисобланади. Келажагимиз бунёдкорлари қалбида ватанпарварлик, эзгулик, ор-номус, миллий қадриятларга ҳурмат каби фазилатларни шакллантириш барчамизнинг инсоний бурчимиз. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом этиб ўстириш, шу билан бирга уларни ҳар тамонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI асрда талаб қилинаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Ана шундай эзгу орзу-умидлар қанотида вояга етаётган фарзандларимизга бугун халқимиз, Ватанимиз қатъий ишонади.

Тўмарис АЪЗАМ, "Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
21 (393) 2016 йил 1 июнь, чоршанба

Якун

Ипак ва зираворлар фестивали

Дунёда қадимий шаҳарлар кўп. Улар орасида Бухоро ўзига хос ўрин тутади. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу кўҳна шаҳар тилга олинганида, табиийки, унинг ўтмиши ва бой маданий меросидан гувоҳлик берувчи тарихий маркази кўз олдимизда гавдаланади. Бухорода шу йилнинг 26-28 май кунлари бўлиб ўтган XV анъанавий Ипак ва зираворлар халқаро фестивалида бу жиҳатлар янада яққол намоён бўлди. Фестивалда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган ҳунармандлар ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Вилоят ҳокимлиги, "Ўзбектуризм" миллий компанияси Бухоро вилояти минтақавий бўлими, "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган Ипак ва зираворлар фестивали миллий ҳунармандликни ривожлантириш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, ҳунармандлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ҳамда туризмни янада равнақ топтириш, Бухорони жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган кўҳна Бухорода қадимдан илм-фан, ҳунармандлик ва савдо-сотиқ ривожланган. Ғарбу Шарқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган шаҳардан дунёнинг турли мамлакатларидан йўлга чиққан карвонлар ўтган. Бухоро ҳунармандлари яратган гиламлар, ипак матолар, заргарлик ва зардўзлик буюмлари, сопол идишлар халқаро бозорда харидоргир бўлган. Фестиваль ана шу тарихий воқеликни гавдалантирувчи "Мўъжизалар карвони" номли театрлаштирилган томоша билан бошланди. Кўҳна Арк қалъасидан Лабиҳовуз мажмуаси томон карвонлар йўл олди...

Лабиҳовуз мажмуасида ўтказилган фестивалнинг очилиш маросимида хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик корпуси ходимлари, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Бухоро шаҳар ҳокими Валижон Ўринов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, юртимизга келаётган чет эллик сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самара бераётганини алоҳида таъкидлади. Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро институти директори Пилхо Пак анъанавий сайёҳлик ва ҳунармандчилик байрами — XV Ипак ва зираворлар фестивали миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни, ўзбек халқининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган амалий санъатини тарғиб қилишга, туризм ва тадбиркорликни ривожлантиришга, халқлар ўртасида дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлади. Фестиваль нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётгани, шу боис унда иштирок этувчи сайёҳлар ҳамда меҳмонлар сафи ҳам кенгаяётгани ушбу тадбир ўзбек халқининг миллий қадриятлари, анъаналари, санъати, маданий ҳунармандлик дурдоналарини дунё ҳамжамиятига таништиришга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

— Фестивалга қизиқувчилар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда, — дейди "Ҳунарманд" уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Матлуба Бозорова. — Унда юртимизнинг барча ҳудудлари, шунингдек, бир қатор хорижий мамлакатлар ҳунармандлари ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Лабиҳовуз мажмуаси ва унга туташ майдонларда мамлакатимиз ва хорижлик ҳунармандларнинг ипак маҳсулотлари ва зираворлар, гиёҳлардан тайёрланган шифобахш дармондорилар кўргазма-савдоси ўтказилди. Бухоро рассомлик ва миниатюра, заргарлик, зардўзлик, мис-кандакорлик, темирчилик, гиламчилик ва Ғиждувон кулолчилик мактаблари усталарининг маҳорат дарслари ташкил этилди.

— Ўзбекистонда ҳунармандлик азалдан ривожланган, — дейди ҳиндистонлик ҳунарманд Мадан Лал. — Сирға, билакузук каби тақинчоқлар ясайман. Таассуротларим бир олам. Айниқса, Бухородаги тарихий меъморлик обидалари бетакрорлиги билан ҳар қандай кишини мафтун этади. Ҳунармандлик маҳсулотлари, миллий урф-одатлар, рақслар, фольклор қўшиқлари ғоят ўзига хос ва жозибадор. Миллий либослар, ипакдан тайёрланган матолар ҳунармандликни санъат даражасига кўтарган усталарнинг маҳоратидан далолат беради.

Фестивалда барча вилоятлар фольклор-этнографик жамоалари ўз дастурларини намойиш этди.

— Биласизми, ўтган йили фестивалда йигирмага яқин фольклор гуруҳлари иштирок этган бўлса, бу йил улар сони ўттизтага етди, — дейди Ўзбекистон санъат ва маданият институти доценти Рустам Абдуллаев. — Бундай хурсандчилик, байрамлар ўзига ишонган, тинч-осойишта ва тўкин мамлакатдагина бўлади. Қаранг, хорижлик меҳмонлар ва сайёҳлар ўзбек миллий куй-қўшиқлари янграганда халқимиз билан бирга, ёнма-ён рақсга тушяпти. Бир-биридан тортиниш, ётсираш йўқ. Бағрикенг халқнинг эса эртаси ҳам нурафшон бўлади.

Кўҳна шаҳар бағрида уч кун давомида маҳаллий ва республикамиз вилоятларидан ташриф буюрган фольклор жамоаларининг наволари янграб турди.

— Турмуш ўртоғим билан уч кундан буён Бухородамиз, — дейди испаниялик 73 ёшли сайёҳ Луис Руис. — Тақдир бизни Ўзбекистонга, қолаверса, Бухорога етаклаб келганига шукрона айтамиз. Таассуротларимиз бир олам. Айниқса, тарихий меъморчилик обидалари бетакрорлиги билан ҳар қандай кишини мафтун этади. Қаранг, Бухоронинг эски шаҳар қисмида ҳаёт қайнаб турибди. Бу шунчаки музей эмас, одамлар билан бирга яшаётган барҳаёт шаҳардир. Фестивалда намойиш этилган ҳунармандлик маҳсулотлари, миллий урф-одатлар, рақслар, фольклор қўшиқлари ғоят ўзига хос ва жозибадор.

Миллий спорт мусобақалари, халқ ўйинлари, айниқса, полвонларнинг чиқишлари иштирокчиларга манзур бўлди. Палов пишириш бўйича ошпазлар кўрик-танлови ўтказилди. Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридан келган сайёҳлар жаноб Рави ва унинг турмуш ўртоғи Малахоним ўз таассуротларини шундай баён қилди:

— Ўзбек палови ҳақида кўп эшитганмиз. Бугун уни илк бор татиб кўрдим. Жуда мазали экан. Фольклор жамоалари чиқишида бошқа мамлакатлар сайёҳлари ҳам рақсга тушди. Миллий қадриятларга йўғрилган санъат сеҳри тили ва дини турли хил бўлган халқларни бирлаштиришига гувоҳ бўлдик. Буларнинг барчаси юртингизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик туфайлидир. Буни одамларнинг юз-кўзидаги хотиржамликдан ҳам сезиш мумкин. Очиғи, жуда ҳавасимиз келди. Қанийди, бутун дунё шундай тинч ва одамлар шундай хотиржам бўлса?! Тинчлик ва осойишталик барқарор юртдагина шундай байрамлар, фестиваллар ўтказилади.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон, хусусан, Бухоро тарихига оид фильмлар, замонавий ва миллий анъаналар мужассамлашган либослар коллекциялари намойиш этилди. Ўтган асрнинг 20-йилларида Марказий Осиёда биринчи бўлиб ташкил этилган, "Бухкино" киностудияси суратга олган, шартли номи "Эски Бухоро" деб номланган овозсиз фильм намойиши ёшларни ва меҳмонларни тарихий воқеалар, Бухоронинг бошига тушган оғир кунлардан воқиф этди. Ушбу фильмда шариф шаҳарнинг собиқ тузум даврида вайрон этилган қиёфаси, ўша давр кишиларининг турмуш тарзи ифода этилган.

Фильмдан таъсирланган япониялик Машу Комозаки ўз таассуротларини шундай ифодалади:

— Фильмни кўриб, юрагимга оғриқли из қолдирган ҳолат — Бухоронинг эски шаҳар қисмининг бомбардимон қилинганидаги бўлди. Шундай тарихий обидаларни вайрон қилиш учун инсон юраги тошдан бўлиши керак. Эски шаҳарни айланиб юрар эканман, кўнглим жойига тушди. Чунки биз фильмда кўрган вайроналардан асар ҳам қолмаган. Аксинча, янада салобат ва кўркамлик касб этибди. Бу халқингизнинг матонати, иродаси мустаҳкамлиги ва бунёдкорлигидан далолат беради.

Адрас, атлас ва бошқа матолардан миллий ва замонавий дизайн уйғунлигида тикилган либослар кўргазмаси ёшларимизда катта қизиқиш уйғотди.

Бу лойиҳанинг "оммавий маданият" хуружи, мафкуравий таҳдидлар авж олаётган бугунги глобаллашув даврида ёшларимизни миллий анъаналар ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда аҳамияти беқиёсдир.

Унда 15 нафар ёш дизайнер 200 дан ортиқ коллекцияларини намойиш этди. Энг ёш дизайнер, Бухоро туризм коллежининг 3-курс талабаси Шаҳноза Камолова 3-ўринни олди. Эндигина 17 ёшга қадам қўйган Шаҳнозанинг орзуси келажакда бетакрор либослар яратувчи етук дизайнер бўлиш, ўз бизнесини йўлга қўйишдир.

Фестивал доирасида "Бухорога хорижий сармоялар, замонавий технологиялар ва инновацион лойиҳаларни жалб қилиш — туризм соҳасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш тизимини янгилаш ҳамда халқаро тан олинган маданий мерос объектларини сақлаб қолишнинг бош мезони сифатида" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда вилоят ҳокими М.Эсонов ва бошқалар таъкидлаганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда, хусусан, Бухорода туризмни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли вилоятда янги туристик йўналишлар очилди, кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди, кўплаб янги меҳмонхоналар бунёд этилди.

Вилоятда сайёҳлик тармоғининг ривожи бошқа ижтимоий масалалар ечимига ҳам хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз. Ҳозирги пайтда тизим корхоналарида беш юздан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Бухорога келаётган меҳмонларнинг бу ердаги меъморий обидалар, халқимиз миллий ҳунармандчилигига оид осориатиқалар, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик мактаблари фаолияти билан яқиндан танишиши учун барча шароит яратилган.

Бир неча йилдирки, Бухорода Ипак ва зираворлар фестивали ўтказилмоқда. Анъана ва усуллари тикланган ҳунармандчилигимиз ривожи тақдимотига айланган, соҳа ходимларининг ўзаро тажриба алмашишига хизмат қиладиган бу тадбир туризмни равнақ топтириш, хорижий сайёҳларни юртимизга жалб этишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Бухорода туризмни ривожлантириш имконият ва истиқболлари катта. Бунда сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қиладиган мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланиш, хорижий сайёҳлик фирмалари билан ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро туристик ярмаркаларда қатнашиш, ўтказиладиган тақдимотлар сифат ва самарадорлигига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

— Бухоро ўзининг улкан сайёҳлик салоҳияти ва имкониятига эга эканлиги билан бизда жуда катта таассурот қолдирди —дейди Санкт-Петербург шаҳрида чоп этилаётган "Индустрия туризма и культуры" журнали бош муҳаррири Анатолий Ковалёв. — Бугунгидек халқаро фестиваллар, конфренциялар ҳамда халқаро рекламалар туризмни ривожлантиришга беқиёс туртки беради. Собиқ тузум даврида бу қадимий шаҳарларни биладиганлар кам эди. Ҳозир уларнинг сони тобора ортиб боряпти. Айниқса, ёшлар учун Бухоро — очилмаган қўриқ. Демоқчиманки, туризмни замонавий талаблар даражасига олиб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида Бухорога келаётган сайёҳлар сони тобора ошиб бораверади.

Уч кун давом этган "Ипак ва зираворлар" фестивали пойтахтдан ташриф буюрган санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг гала концерти билан ниҳоясига етди.

Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир

Пойтахт кўчалари янада равон бўлмоқда

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудуди, хусусан, пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётир. Шаҳар қиёфаси режа асосида ўзгариб, янгиланиб бормоқда.

Пойтахт марказий ва шоҳ кўчаларидаги автотранспорт тирбандлигини бартараф этиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўловчининг манзилига тез етиб боришига эришиш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган брифингда шу хусусда сўз борди.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси биринчи ўринбосари Маҳмуд Обидов, "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси директори Собир Орипов мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётгани, трамвай йўлларининг демонтаж қилиниши муносабати билан йўл қопламалари тикланаётгани, магистрал кўчалар таъмирланаётгани, янги йўл ўтказгичлар қурилаётгани, йўл ва йўлаклар бунёд этилаётгани ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Айни кунларда Мустақиллик, Амир Темур, Афросиёб, Мирзо Улуғбек, Дўрмон кўчаларида реконструкция ишлари поёнига етмоқда. Нурафшон кўчасининг Беруний кўчасидан Чилонзор Оқтепа майдонигача бўлган қисми ҳамда Нукус кўчасини Муқимий ва Бобур кўчалари оралиғида узайтириш, Мирзо Улуғбек кўчасидан Оҳангарон шоссесигача Тараққиёт кўчасини қуриш ишлари давом этмоқда. Шота Руставели ҳамда Муқимий кўчалари кесишувида йўл ўтказгич барпо этилаётир. Трамвай йўллари демонтаж қилиниши сабабли ҳозирги вақтгача Меҳржон, Саккокий, 8 март кўчалари таъмирдан чиқарилган.

Йўл ўтказгичлар ҳудудидан ўтадиган туннелларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Абдулла Қодирий ва Дўрмон йўли кўчасидаги, Мустақиллик, Абдулла Қодирий кўчаси ҳамда Кичик ҳалқа йўли кесишувидаги йўл ўтказгичларда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бундан ташқари, ўндан зиёд кўчада йўл ва йўлакларни капитал ва жорий таъмирлаш кўзда тутилган.

Бундай улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, энг аввало, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларнинг қулай ва бехатар ҳаракатланиши, пойтахт кўчалари ва йўлларида тирбандликнинг олдини олиш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Лавлаги — камқонликда даво

Қизил лавлаги халқ табобатида шифобахшлиги сабабли кенг қўлланилади. Унинг илдизмевасида бир қанча витамин ҳамда минерал моддалар мавжуд.

Лавлаги умумий қувват тикловчи, меъда-ичак тизими фаолиятига ижобий таъсир этувчи ҳамда моддалар алмашинувини яхшилаб, камқувват кишилар саломатлигини тикловчи сабзавот ҳисобланади. С витамини, мис ва фосфорга бой. У организмни заҳарли моддалардан тозалайди. Унинг барглари таркибида кўп миқдорда А витамини мавжуд. Қизилча (қизил лавлаги)дан салатлар тайёрлаш, турли овқатларга солиб тановул қилиш хавфли ўсмаларнинг олдини олади. В9 витамини (фолий кислота) юрак касалликлари ривожланишига тўсқинлик қилади. Анемия (камқонлик)га чалинган беморлар ва лейкемия (оққон) билан хасталанганлар учун жуда фойдали озуқа. Чунки у организмда гемоглобин ишлаб чиқаришни кучайтиради.

Лавлаги яшартирувчи хусусиятга ҳам эга. Унинг таркибидаги фолий кислотаси одам вужудида янги ҳужайралар пайдо бўлишига замин яратади. Аммо меъдаси заиф ва зардаси қайнайдиган беморлар бу илдизмевани истеъмол қилмагани маъқул. Ортиқча вазндан азоб чекадиган ва организмида ортиқча сув йиғилиши (шишлар)га мойил хасталар учун ҳам лавлаги фойдали саналади. Лавлаги нафақат қонни, балки буйрак ва жигарни ҳам тозалайди. Таркибида С витамини кўплиги сабабли қон томирлар деворини мустаҳкамлайди. Бу илдизмева қонни тозалаб, томирларни кенгайтиргани учун гипертония (хафақон), атеросклероз ва бошқа юрак-қон томир касалликларида тавсия этилади.

БИЛАСИЗМИ?

- Ой юзаси текис эмаслиги, кратерлар билан қопланганини биринчи бўлиб 1609 йилда итальян физиги Галилео Галилей аниқлаган.
- Ердан Ойгача бўлган масофа — 384400 километр.

ТУРФА ОЛАМ

Югуриш йўлакчали велосипед

Агар велосипед ҳайдашни маъқул кўрмасангиз, унда сизга Нидерландияда ишлаб чиқарилган янги ғаройиб "Lopifit" электрон модели мос келиши мумкин.

Унда педални босиш ўрнига велосипедрамкасига ўрнатилган югуриш йўлакчаси бўйлаб ҳаракатланишингизга тўғри келади. Мазкур велосипед аллақачон Нидерландиядаги ички йўлларда ҳаракатланиш учун энг қулай восита сифатида эътибор қозонди. Очиқ ҳавода бундай сайр қилишга нима етсин. Яна у узоғингизни яқин қилади. "Lopifit"да оддий велосипедга нисбатан тўрт карра тезроқ ҳаракатланиш имконини берувчи "Quantum" электромотори жойлашган. У ҳаракатланиш пайтида ишга тушади. Юриш захираси — 55 километр. Қиялиқдан пастга қараб ҳаракатланаётган вақтда двигателни автоматик ўчириш, бурилиш ёки тормоз функцияларини ёқиш имкони мавжуд. Ноодатий югуриш велосипеди олти хил рангда тақдим этилади. Шунингдек, унинг юкхонаси, олдиндаги 2,3 метр йўлни ёритувчи LED чироқлари ва аккумулятор индикатори бор. Нархи эса 1899 евро.

"Ақлли" кўзгу

Хитойнинг Чэнду шаҳрида муҳандис Хуан Жин Лонг буюмларни "танийдиган" ва унинг нималигини айтиб берадиган "Miraffe" кўзгусини ихтиро қилди.

"Miraffe" кўзгу шаклида ишланган бўлиб, унинг марказида сенсорли экран, орқасида эса видеокамера ўрнатилган. Кўзгу буюмларни танийдиган махсус мосламага ҳам эга. Гажет олинган тасвирни "Wi-Fi" орқали Интернетга жўнатиб, у ердаги маълумотлар базасидан маълумот қабул қилади. Ускуна, айниқса, ёш ота-оналар учун айни муддао. Сабаби улар деярли ҳар куни ёш болаларининг қизиқиб сўрайдиган кўплаб саволларига жавоб беришга мажбур. Энди бола кўзгуни бирор-бир буюмга тутиши билан унинг нималигини билиб олади. Ускуна муаллифининг айтишича, ундан кўзи ожиз инсонлар ҳамда нотаниш ўсимлик, ҳашарот ёки қушларга дуч келганда унинг қандай турга мансублигини аниқлай олмай қийналадиган боғбонлар ҳам фойдаланиши мумкин.

"Ақлли" кўзгуни кўп миқдорда ишлаб чиқариш ва бу орқали одамларда ундан фойдаланиш имкониятини яратиш учун Хуан Жин Лонг бошчилигидаги жамоа "Kickstarter" сайти орқали хайрия маблағларини йиғишга киришди.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон

"IJOD OSIYO QURILISH" масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 30.05.2016 йилдаги №3-сонли қарорига асосан жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "IJOD OSIYO QURILISH" хусусий корхонасига ўзгараётгани маълум қилинади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САЙДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 625, Адади — 9380. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РЎЗИЕВА
Навбатчи: Аҳмад ЮСУПОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.25.
ЎзА якуни — 21.30.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345